Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 49 (20. 616) • **1990 йил 27 февраль, сешанба** • Баҳоси 3 тийин.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Пешку райони чорвадорлари Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш ниятида социалистик мусобақани кенг авж олдиришмоқда.

Пешқадамлар сафида «Маданият» совхози чорвадорлари боришмоқда. Улар ўн иккинчи беш йилликнинг охирги йили биринчи квартал гўшт тайёрлаш планини ортиғи билан уддаладилар. Қабул пунктларига 31,5 тонна бўрдоқи гўшти топширилди.

«Ленинизм» колхозида ҳам бултурги шу даврдагидан 15,1 тонна зиёд — жами 26,4 тонна гўшт давлатга топширилиб, биринчи квартал плани 102 процентга адо этилди.

С. ҚОДИРОВ.

* * *

Норин районидаги «СССР 50 йиллиги» колхози механизаторлари қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча техника воситаларини баҳорги экин-тикин ишларига шай қилиб қўйдилар.

Жумладан, 30 та чопиқ, 16 та ҳайдов трактори ва 15 та сеялка ремонтдан барвақт чиқарилди.

Ремонт-созлаш ишларининг муддатидан анча илгари бажарилишида механизаторлар ўртасида социалистик мусобақанинг кенг авж олгани муҳим роль ўйнади.

А. МАДАТОВ.

СССР Ташқи ишлар министрлигида

24 февраль куни СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Европадаги вазиятнинг ривожланиши билан боғлиқ кўпгина масалалар кўриб чиқилди.

«Германия масаласи»нинг муҳокама қилиниши якунлари юзасидан СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегияси қуйидаги баёнотни бериш зарур, деб ҳисоблади:

«Икки Германия давлатининг бирлашуви эҳтимоли билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мураккаб мажмуи теварагида кейинги вақтларда бўлаётган мунозарада бирлашган Германиянинг ҳарбий-сиёсий мақоми қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги масала тобора кўпроқ олдинги ўринга қўйилмоқда.

Муаммонинг бу жиҳатига қизиқиш билан қаралаётганлиги равшан. Чунки бу ўринда ҳақиқатан ҳам Европа қитъасидаги хавфсизликнинг туб масалалари тилга олинмоқда. Ғарбдаги баъзи мамлакатларда илгари сурилаётган маслаҳатлар унчалик тушунарли эмас. Хусусан бирлашган Германияни НАТОга қўшиш ҳақида маслаҳатлар берилмоқда. Бунда гўё масаланинг мана шундай тарзда ҳал этилиши Совет Иттифоқининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади, чунки келгусида бирлашуви эҳтимоли бўлган Германияни унинг устидан ташқаридан бирон-бир назоратсиз ўзича тасаввур этиб бўлмайди, деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Бу ўринда Совет Иттифоқи учун совет хавфсизлигининг моҳиятини нималар ташкил этишини ва бу хавфсизликни қандай қилиб энг яхши тарзда таъминлашни қимлардир унинг номидан белгилаб беришга уринаётганининг ўзиёқ мақбул эмас. Бу хусусда Совет Иттифоқининг ўз тасаввурлари бор. Бирлашган Германиянинг НАТОга аъзо бўлишни кўзда тутадиган варианглар эса бу тасаввурларга асло мувофиқ келмайди, албатта. Бу вариантларнинг амалга оширилиши ҳозирги замон шароитида Варшава Шартномаси Ташкилоти билан НАТО ўртасидаги ҳарбий-стратегик мувозанатни йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда бузишга олиб бориши мумкинлиги ҳар бир кишига, шу жумладан ҳарбий масалалардан унчалик хабардор бўлмаган кишиларга ҳам равшан. М. С. Горбачев «Правда» мухбирининг саволларига 1990 йил 21 февралида берган жавобларида ҳам бу хусусда жуда аниқ-равшан қилиб гапирди, бу жавобларда бизнинг умуман Герман ишларига принципиал ёндашувимиз баён этиб берилди.

Бизнинг фикримизча, немисларнинг бирлигини барпо этиш жараёнида гап Германия абадул абад тинчликка хавф солинадиган жой бўлмай қолиши тўғрисида бориши кераклиги ҳал қилувчи омилдир. Потсдам битимлари, БМТ устави, Европа халқларининг ва Европадан ташқаридаги халқларнинг ҳам хавфсизлиги манфаатлари шуни аниқ-равшан талаб қилади.

Принципиал тарздаги яна бир масала туғилади. ГФР ва ГДР ташқи ишлар министрлари тез орада Франция, Буюк Британия, Совет Иттифоқи ва АҚШ ташқи ишлар министрлари билан немислар бирлигини барпо этишнинг ташқи жиҳатларини, шу жумладан қўшни давлатларнинг хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилишлари тўғрисида яқинда Оттавада бир битимга келинганлиги маълум. Шу тариқа шундай бир восита белгилаб берилдики, унинг доирасида бирлашган Германиянинг ҳарбий-сиёсий мақоми тўғрисидаги масала каби устунлиги шубҳасиз бўлган масалага доир ечимлар ҳам топилмоғи лозим. Мана шуларни эътиборга олганда, шошма-шошарлик қилиш ва айниқса министрлар учрашмасидан аввалоқ ўзга томонга унинг хавфсизлиги манфаатларини эътиборга олмайдиган қандайдир моделларни тиқиштиришга уриниш кам деганда беҳуда бир ишдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ амалий ишга киришишни, Европада ҳақиқий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлай оладиган ечимларни излашни кўзлаб иш тутиш лозим. Совет Иттифоқи барпо этилган «олтилик» воситаси доирасида, жумладан экспертлар даражасида бу ишга ҳеч кечикмай киришиш тарафдоридир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретариати «Республика учун илмий кадрлар тайёрлашни кенгайтириш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда кейинги йилларда Ўзбекистон ССРда илмий кадрлар, айниқса юқори малакали илмий кадрлар — фан докторлари тайёрлашга етарли эътибор берилмади, деб таъкидланади. Бу ишда система, планли негиз йўқ, мазкур иш халқ хўжалигини ривожлантириш эҳтиёжлари ва истиқболлари билан зарур даражада боғлаб олиб борилмаяпти, таркиб топаётган тенденциялар таҳлил этилмаяпти ва ишларнинг аҳволини ўнглаб олиш учун зарур тадбирлар кўрилмаяпти.

Бунинг оқибатида илм-фаннинг республика учун нуфузли бўлган бир қанча йўналишларида юқори малакали мутахассисларнинг етишмаётганлиги жуда сезилиб турибди. Олий ўқув юртларида фан докторларининг салмоғи 2,6 фоиз (418 киши), Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасида 7,3 фоиз (317 киши)га баравардир. Фанлар академияси илмий муассасаларида фан докторлари ишлаши лозим бўлган 458 лавозимдан фақат 217 тасидагина фан докторлари ишлаяпти. Ўзбекистон ССР Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари олий ўқув юртларидаги ихтисослашган кафедраларнинг 993 мудиридан фақат 206 нафари ёки 22 фоизи фан докторларидир.

Республика Министрлар Совети ва Давлат план комитети, Фанлар академияси, ихтиёрида ўқув юртлари бўлган министрликлар ана шу муҳим масалага эътибор беришмаётгани оқибатида илмий кадрларни танлаш ва тарбиялаш дастури яратилмаган, бу ўринда расмиятчилик билан ёндашиш устун бўлиб қолган. Академия раҳбарияти ўзининг қарамоғидаги институтларга ҳар йили докторантурага боришга 16-17 ўрин ажратилаётгани, бу ўринлар ҳам алақачон ва шунчаки белгилаб қўйилган ихтисосликлар рўйхати бўйича ажратилаётганлигига муроса қилиб келмоқдалар. Ҳозирги беш йиллик планларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, роботлар ва манипуляторлар, ҳисоблаш машиналарини математик жиҳатдан ва программавий таъминлаш сингари ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ихтисосликлар бўйича фан докторлари тайёрлаш назарда тутилмаган.

Министрлар Совети, Давлат план комитети, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги мамлакатнинг етакчи илмий марказларида таълим олаётган ўзбекистонлик докторантлар жуда камайиб кетаётганлигидан ҳамда Иттифоқ органлари илмий кадрларни хорижга тажриба ўрганиш учун юборишга асосланмаган тарзда кам ўрин ажратаётганликлари муносабати билан ташвишланаётгани йўқ.

Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидланади қарорда, илм-фанга ёш, ғайратли кучларнинг оқиб келиши анча камайишига, илмий кадрларни янгилаш жараёнининг секинлашувига олиб келди, илмий потенциалнинг қариш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасида фан докторларининг ўртача ёши 60 га етди, академия институтларида ҳали 35 ёшга тўлмаган биронта ҳам фан доктори йўқ, 40 ёшга етмаганлар орасида эса бор-йўғи беш нафар фан доктори бор. Умуман республика бўйича ёши 50 га етмаган фан докторлари умуми фан докторларининг бор-йўғи 14 фоизини ташкил этади.

Фан кандидатлари орасида ҳам ана шундай тенденция кўзга ташланмоқда, уларнинг ўртача ёши 46 га тенгдир.

Илмий кадрлар тайёрлаш муаммоси, деб таъкидланди қарорда, сиёсий аҳамият касб этди. Чунки Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти суръатлари кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Мавжуд практика республика халқ хўжалигини олий малакали кадрлар билан тўлдиришда ёриб ўтишни таъминлашга, фан-техника тараққиёти суръатларидаги қолоқликни бартараф этишга қодир эмас. Вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш учун зудлик билан чоралар кўриш, илмий кадрлар тайёрлаш системасида, айниқса олий малакали шундай кадрлар тайёрлаш системасида туб ўзгаришлар қилиш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига кўра, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Давлат план комитети, республиканинг тегишли министрликлари ва идоралари СССРнинг Фан-техника давлат комитети ва бошқа Иттифоқ органлари билан биргаликда 1990 йилда планга қўшимча тарзда юзга яқин ёш олимни мамлакатнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари — СССР Фанлар академиясининг машинасозлик, физика, ер, СССР тарихи, давлат ва ҳуқуқ институтларига, Москва давлат университетига, Ленинград давлат университетига, Бауман номли Москва олий техника билим юртига, Медицина фанлари академиясининг таом институтига, кўз касалликлари, эпидемиология, микробиология институтларига, Бутуниттифоқ селекция-генетика институти, Бутуниттифоқ қидирув илмий-тадқиқот институтига, Ленин орденли Бутуниттифоқ экспериментал ветеринария институти докторантурасига ўқишга юборилиши билан боғлиқ бўлган масалалар ҳал этилганлиги ахборот учун қабул қилинди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Давлат план комитети, Фанлар академиясининг президиуми, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Халқ таълими министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлигининг республика учун илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги иши қониқарсиз деб топилди. Мазкур ташкилотлар ишидаги жиддий камчиликлар сабабли Ўзбекистонда истеъдодли ёшларни аниқлаш, танлаб олиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш дастури яратилмаган, фаннинг кўпгина энг муҳим йўналишлари кадрлар билан етарлича таъминланмаган, деб таъкидланди. Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тегишли бўлимлари мазкур участкага партиявий раҳбарликнинг, республика илмий кадрлари потенциалини кўпайтириб бораверишнинг яхлит системасини шакллантиришнинг зарур даражасини таъминламадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Давлат план комитетига, Фанлар академиясига, Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, Халқ таълими министрлигига, Соғлиқни сақлаш министрлигига, бошқа министрликлар ва идораларга Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёти эҳтиёжлари ва шу тараққиёт истиқболларига узвий боғлиқ тарзда илмий кадрларни етиштиришнинг конкрет тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш топширилди.

Республиканинг истеъдодли ёшлари орасидан мамлакатнинг етакчи илмий марказларига ва чет эл давлатларига ҳар йили муттасил докторантлар, аспирантлар ва стажерларни жўнатиб туришни бундан бўён ҳам рўёбга чиқариш зарур, деб эътироф этилди.

Шу мақсадда Фанлар академияси президиумига (ўртоқ М. С. Салоҳиддинов), республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига (ўртоқ Ш. О. Алимов) ҳамда илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари бўлган бошқа министрликлар ва идораларга, ташқи ишлар министрлигига (ўртоқ С. О. Азимов) В. И.

(Давоми иккинчи бетда).



• ЧОРВАДОРЛАР МАВСУМГА ШАЙ

«Моли тўқнинг — кўнгли тўқ». Халқимизнинг бу ҳикматли нақли бежиз эмас. Наинки асил чорвадор ўзи юпун кийиниса кийинадики, молини асрайди, ўзининг очин-тўқинлигини ўйламаса ҳам чорвасини тўйдиришни ўйлайди. Шундагина унинг кўнгли таскин топади.

Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникуми кўп тармоқли катта хўжалик. Унинг кенг пахтазорларида ҳар йили хирмон-хирмон «оқ олтин», боғу-роғларида шириншакар мевалар етиштирилмоқда. Улар саноатимиз учун қимматли хом ашё, дастурхонимизнинг кўрки ва зебу-зийнатидир.


Хўжаликда чорвачиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Бутун бошли бир бўлим чорвачилик билан машғул. Унинг ихтиёрида 3 минг гектарга яқин майдон бўлиб, бу ерларда юқори ҳосил берадиган озуқа экинлари етиштирилади. Бу хўжаликда ҳозирги кунда парвариш қилинаётган 3650 бош қорамол учун бемалол кифоя қилади. Шу боисдан ҳам маъмурият ва мутахассислар бу соҳага ҳар донм жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Чунончи, озуқа етиштирувчи бригадалар техника билан мукаммал таъминланган. Ҳатто улар учун алоҳида машина парки ҳам ажратиб берилган. Айни вақтда ушбу паркда бўлган ҳар қандай киши ремонтчиларнинг қизғин меҳнати устидан чиқади. Бу ерда ҳар бир механизатор машиналарни мавсумга шай қилиб қўйиш учун қўлиқўлга тегмай ишлаяпти. Чунки далаларда экин-тикин ишлари бошланадиган қизғин паллага жуда оз вақт қолди.

— Паркимизда техника ремонти асосан тугаб қолди, — дейди бўлим катта инженери Кенжабой Азизов. Ҳар хил маркадаги 15 та комбайн сифатли ремонтдан чиқарилди. Бундан ташқари зарур ҳамма асбоб-анжомларнинг асосий қисми қўлдан чиқди.

Дарҳақиқат, машина паркида тайёргарлик чизиғига тартиб билан жойлаштирилган, ишга шай турган техникани кўрган ҳар бир кишининг албатта ҳаваси келади.

Суратларда: 1.Хўжаликнинг моҳир комбайнчиларидан У. Наҳмиддинов ва С. Нурматов. Улар ўзлари бошқарадиган комбайнларни ўзлари ремонт қилдилар. 2. Илғор ремонтчи-слесарь М. Мамадалиев. 3. Ремонтдан чиққан техника тайёргарлик чизиғида.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.





ТАРАДДУД

Баҳмал районидаги «Гулбулоқ», «Партия XXIII съезди», Мичурин номли, «Партия XXIV съезди» совхозларининг ширкатчилар бирлашмаси соҳибкорлари айни пайтда хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар ерни маҳаллий ўғитлар билан тўйинтириб, зарарли ҳашаротларга қарши курашиш каби қатор юмушларни адо этмоқдалар.

«Гулбулоқ» совхози миришкорлари шу кунгача 350 гектар майдондаги токларни обҳаётга қондиришди, мичуринликлар 280, партсъездликлар 250 гектар экин майдонини сувдан чиқаришга эришдилар.

Район бўйича чилла сувига қондирилган жами майдон 1120 гектарни ташкил қилади.

С. АҲМЕДОВ.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИКДА ЯШАЙЛИК

26 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг месхети туркилари вакиллари иштирокида қўшма мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари можароли вазиятлар юз берганлигини ва месхети туркилари жам бўлиб яшайдиган ерларда аҳволни барқарорлаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни муҳокама қилдилар. Ўз тарихий юртидан ғайриқонуний равишда ва асоссиз кўчирилган месхети туркиларини туб аҳоли самимий ва хайрихоҳлик билан қабул қилганлиги таъкидланди. Улар 45 йилдан ортиқроқ вақт давомида жумҳуриятимизда тенглар орасида тенг яшадилар ва меҳнат қилдилар. Месхети туркилари жам бўлиб яшайдиган ерларда аҳволнинг бекарорлашуви тўпланиб қолган ва узоқ вақт ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан, шунингдек ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун миллатлараро нифоқ келтириб чиқаришга интилаётган порахўр ва жиноятчи унсурларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларидан келиб чиққан.

Аҳволни барқарорлаштириш учун бундай шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ ғоят қатъий қаттиқ чоралар кўриш, аниқ бир мақсадни кўзлаб мафкуравий иш юритиш, барча соғлом кучларни уюштириш, жумҳуриятимиздаги турли миллат кишиларининг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети муҳокама этилган масала юзасидан қўшма қарор қабул қилдилар.

СССР Олий Совети номига мурожаатнома қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советига

СССР Олий Совети декларация қабул қилганлиги бутун совет жамиятига маълум бўлиб, унда бутун-бутун халқларни зўрлик билан кўчириб юбориш тажрибаси қораланади, уларнинг тарихий яшаш жойларига қайтиши эса сталинизм оқибатларини тугатишнинг асосий босқичи, деб эътироф этилади. Қрим татарлар, месхети туркилари ва бегуноҳ азият чеккан бошқа халқлар мазкур қарорни қизғин маъқуллаб, миннатдорчилик билан кутиб олдилар. СССР Олий Советининг кўчириб юборилган халқларга нисбатан белгилаган чора-тадбирлари тезроқ амалга оширилишига бўлган истак уларнинг ўз тарихий жойларига кўчиш кайфиятини кучайтириб юборди.

Бундан фойдаланган бузғунчи кучлар ўз сиёсий мақсадларини кўзлаб, СССР Олий Совети гражданларнинг жўнаб кетишига тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқаётгани ҳамда ҳал этаётганини инобатга олишни истамай, амалга оширилаётган ишлар хусусида муросасизлик муҳитини вужудга келтиришга уринмоқдалар, бундай хатти-ҳаракатлар билан аҳолини миллатлараро негиздаги тўқнашувларга гижгижламоқдалар, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштирмоқдалар.

1989 йилнинг июнь ойида Фарғона областида одамларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган воқеа ва 1990 йилнинг 19-24 февраль кунлари Тошкент областининг бир қанча районларида юз берган тартибсизликлар миллатлараро можароларнинг ана шундай кўринишларига айланди. Ана шу тартибсизликлар чоғида шошилинч чора-тадбирлар кўрилгани туфайлигина одамлар қурбон бўлмади. Ҳозирги вақтда республикада миллатлараро кескинликка ва ана шу негиздаги можароларга йўл қўймаслик учун барча ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети СССР Олий Советининг месхети туркилари аҳолиси муаммолари билан шуғулланувчи комиссиясининг иши зарур даражада олиб борилмаётганлигини таъкидлаб, СССР Олий Советидан унинг фаолиятини жадаллаштиришни ва месхети туркларининг ота-боболари диёрига қайтиш тўғрисидаги азалий истаклари қондирилишига доир кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида мунтазам ахборот бериб боришни ўтиниб сўрайдилар.

Мазкур халқнинг ҳаётий муҳим муаммолари жуда қисқа вақт ичида ҳал этилиши унга нисбатан адолатни тиклашга ва Ўзбекистондаги ғоят кескин ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, мамлакатимиз ва республикамизнинг айрим районларида содир бўлган фожиали воқеалар такрорланишининг олдини олишга имкон беради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси

М. МИРҚОСИМОВ.

ЎзТАГ шарҳи:

Ўзбекистонда неча ўн йиллардан буён турли миллат кишиларн яшамоқда. Улар елкама-елка меҳнат қиляпти, қувонч ва ташвишларини бахам кўришлари учун бу ҳеч қачон халақит қилган эмас. Месхетн туркилари ҳам бундан истисно эмаслар. Ўзбек халқи уларнинг бошига оғир иш тушган вақтда ўз оғаларидек бағрига олди, баҳолн қудрат ёрдам берди. Бироқ ҳозир, мамлакатимизда шиддатли ниқобий ўзгаришлар рўй бераётган, жамиятимиз сўзда эмас, амалда демократиялашаётган вақтда ўз шахсий нафсоиятини кўзлаб аҳволни беқарорлаштираётган, турли миллат кишиларнин муҳолифликка ундаётган, қўрқув ва шубҳа уруғини сочаётган ёвуз кучлар топилмоқда.

Жамиятимизнинг барча соғлом кучлари экстремистларнинг кирдикорларига қатъий равишда «Йўл қўймаймиз!» деб айтишлари керак. Биз ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бир-биримизни ҳурмат қилиб ва тушуниб биргаликда ҳал этишимиз, жумҳуриятимизни ва яшаётган ҳар бир кишини бахтли ва фаровон қилишимиз мумкин.

Месхетн туркиларининг оммавий равишда кўчиб кетиши ўзбек халқига бахт-саодат ва фаровонлик келтирмайди. 45 йил давомида онаси турк, отаси ўзбек ёки аксинча қарор топган оилалар борлигини унутмаслик керак. Бу оилаларда фарзандлар туғилган. Оилавий ришталарни узиб ташлашга кимнинг қўли бориши мумкин!!

Келинг, сабр-бардошли бўлайлик. СССР Олий Совети месхетн туркилари муаммоларн комиссиясининг таклифи устида бафуржа ва диққат билан ишлаб, аниқ-равшан қарор қабул қилсин. Орадан унча кўп вақт ўтмасдан, хоҳлаган кишилар ўз она юртига осойишта боришлари мумкин, деб ўйлаймиз. Республика ҳукумати уларга моддий зарар етмаслиги учун, шубҳасиз, барча ишларни қилади.

Ҳозир Ўзбекистонда одамларнинг миллатига қараб камситилишига йўл қўймайдиган ғоят жиддий чоралар кўрилаётганлиги маълум. Ҳаддидан ошган, экстремист кайфиятдаги нопок унсурларга жуда қатъий зарба бериш керак. Биз ёшларимизнинг ўйламасдан уларга эргашишларига йўл қўймаймиз. Қайта қуриш учун курашда куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик!

МУНОЗАРА МИНБАРИ

КПСС XXVIII съезди олдидан: партия ва қайта қуриш

Бу йил —съездлар йили. Бутун мамлакатда бўлгани сингари республикамиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVIII ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездларига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Партия Марказий Комитетининг февраль Пленуми материалларида кўтарилган партия ишини тубдан қайта қуриш ва янгилашнинг энг муҳим ва долзарб масалалари республикамиз коммунистлари ва барча меҳнаткашларини ғоят қизиқтирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ҳаракат дастури лойиҳасини ҳамма синчковлик билан ўрганмоқда. Буни редакциямизга келаётган ва кейинги кунларда оқимн кескин кўпайган хатлардан ҳам кўриш мумкин. Газетхонлар уларда партия Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасига ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Хатларнинг кўпчилик қисмида меҳнаткашлар партиянинг ушбу муҳим ҳужжатида қайд этилган барча тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани ва уни амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч ва имкониятларини сафарбар этажакларини таъкидламоқдалар. Шуниндек, газетхонлар ўз хатларида газета саҳифаларида партия ишини қайта қуриш муаммоларн, съездга тайёргарлик ҳақида кенг ва ошкора мунозара олиб боришни таклиф қилмоқдалар. Айрим хатларда шу мақсадда ҳар бир коммунист ўзини тўлқинлантираётган ва ташвишга солаётган партия ҳаётига ва унинг муаммоларига тааллуқли фикр-мулоҳазаларини, ҳатто у кўпчилик фикридан фарқ қилса ҳам очиқ-ошкора айта олиши учун КПССнинг навбатдаги съезди олдидан «Мунозара минбари» деган янги рубрика очишни тавсия қилаётирлар.

Ҳозир республикамизда коллектив бўлиб чуқур таҳлил этишни, коллектив бўлиб кенгашиб олишни талаб қиладиган, ётилган ва ҳал этилишини сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган муаммолар кўп. Мунозаралар марказига партиянинг давлат ва жамиятда тутган ўрни ва роли қандай бўлиши лозимлиги, унинг авангардлик ролини қай тарзда тиклаш ва мустаҳкамлаш мумкинлиги масалалари қўйилмоқда. Хатларда шуниндек нима учун баъзи коммунистларнинг партия сафидан чиқаётгани, партиянинг омма орасидаги обрўсини ошириш учун биринчи галда нималар қилиш лозимлиги, КПССнинг янги Устави қандай бўлиши кераклиги ҳақида ҳам аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ўрганилаётган партия йиғилишлари ва ўзаро суҳбатларда яқин кунларгача ҳатто сира ҳам тил тегизиб бўлмайдиган энг ўткир ва долзарб масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинияпти. Ҳа, етилган муаммолар кўп. Улар ўз вақтида ҳал этилмаса, пировард натижада оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Демак, уларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш, вақтида бажарилишини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Республика партия ташкилоти ўз съезди ва КПССнинг навбатдаги съездига тайёргарлик кўрар экан, шу йўлда изчиллик билан иш олиб бормоқда. Зеро, Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида ҳам шу соҳада амалга оширилади-ган тадбирлар ўзининг аниқ ифодасини топгани, ҳозир ана шу йўлда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилгани ва дастур изчиллик билан бажарилаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

«Совет Ўзбекистони» газетаси ўз ўқувчиларн истак ва талабларини ҳисобга олиб, бугундан бошлаб КПСС XXVIII съездига тайёргарликнинг боришини кенгроқ ёритиш мақсадида «Мунозара минбари» рубрикасини очади. Биз барча газетхонларни — Коммунистик партиямиз тақдирига, революцион қайта қуриш тақдирига бефарқ бўлмаган, социалистик қадриятларни ва Ватанимиз манфаатларини ўзи учун ҳамма нарсадан ҳам улуғ ва муқаддас деб билган республикамиз меҳнаткашларини, улар партия аъзолари ёки партиясиз эканликларидан қатъи назар ана шу мунозарада фаол иштирок этишга таклиф қиламиз. Зеро, ушбу «Мунозара минбари» сизларнинг ўз фикрингизни эркин билдира олишингиз учун ошкора минбар бўлади, республика Компартияси ҳаракат дастурини амалга оширишда, партия ҳаётини қайта қуриш ва янгилашда, унинг жанговарлигини кучайтириш йўлида халқнинг том маънодаги коллектив фикри бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Редакция сизларнинг хатларингизни, КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасида кўтарилган масалаларга нисбатан муносабатларингизни, таклиф ва истакларингизни кутади.

ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

● Улуғ Ватан уруши жангларида одамлар партия билетини сақлаб қолиш учун жон фидо этишган. Ҳозир эса айрим нокобил аъзолар партия билетини кераксиз нарсадек сира ҳам иккиланмасдан топшириб юборишяпти. Мен шулар ҳақида ўйлаб, бир ҳисобдан тўғри иш бўляпти, партия ўз сафига адашиб ёки шахсий манфаатини кўзлаб кириб қолган шахслардан бир йўла қутулиб, мусаффо бўлиб олмоқда, деган хулосага келдим.

Ҳозир одамларда ташаббускорлик ҳам аввалги даражада эмас. Баъзиларнинг кайфияти ҳатто тушиб ҳам кетган. Бироқ, бундай тушкунлик сира ҳам коммунистга хос бўлмаслиги керак. Одамда, коллектив ва жамиятда шундай мақсадлар бўлиши лозимки, унга халқ ҳам, шахс ҳам бирдай интиладиган бўлсин. Қайта қуриш ва янгиланиш эса ана шу мақсадларга эришишнинг ягона йўлидир. Шу жиҳатдан КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасини тўла қувватлайман.

Ш. САМАДОВ,
Қаршн шаҳри.

● Партиянинг барча бўғинларн юқори ташкилотлар қарорини тайёрлаш ва қабул қилишда амалда иштирок этмаяптилар. Район партия комитетларининг аксарият қисмида режа ва ҳаракат дастурлари қуйи бўғинларда онда-сондагина муҳокама этилмоқда. Шунга эришмоқ керакки, ҳар қандай даражадаги партия йиғинларида ҳар қандай таклифлар, келажак учун мўлжалланган режалар том маънода муҳокама этиладиган бўлсин. Шундагина ҳамма бир овоздан юз фоиз ёқлайдиган қарорлар қабул қилиш барҳам топади, аксинча иш тубдан жонланиб, тезроқ самара берадиган бўлади. Балки шу ўринда баъзи кишилар партия марказий органлари ўз қарорлари лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўяяпти-ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Ҳа, шундай бўляпти. Аммо шуни ҳам айтинг-чи, бу муҳокамалардан сўнг ушбу қарор лойиҳаларида жиддий ўзгаришлар бўляптими? Менимча, йўқ. Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастури лойиҳасида масаланинг ана шу томонига эътиборни кучайтириш лозим.

М. МАҲМУДОВ,
Калинин районидаги М. Горький номли 25-мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари.

● Партия XXVIII съездида қабул қилинадиган янги Уставда партия структураси ва ички демократияси янги мазмун билан бойитилади, албатта. Шу муносабат билан Уставга киритиладиган баъзи таклифларимни айтмоқчиман.

Партия ички ҳаётини демократиялаш тобора чуқурлашиб боряпти. Шундай экан, партия қуйи бўғинидан тортиб юқори органларгача биринчи котибларни партия умумий йиғилишларида, конференция ва съездларида сайлов варақасига бир неча номзодни киритиб, тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайлаш услубига ўтиш вақти келди. Агар КПСС Уставида ана шу усул ўз ифодасини топса, айни муддао бўларди. Қолаверса, партия ташкилотлари раҳбар органлари состави ва айрим аъзоларини истеъфога чиқаришнинг демократик асослари ҳам Уставга киритилиши керак.

С. БОЙМУРОДОВ,
Косон район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.



ЁШ КОММУНИСТЛАР МАКТАБИ

● **Наманган областидаги Худойбердиев номли совхозда ёш коммунистлар мактаби ташкил этилди. Унда хўжалик фаолиятида яқиндан иштирок этаётган, партия сафига энди-гина қабул қилинган коммунистлар билан бирга комсомол аъзолари ва партиясиз ёшлар ҳам шуғулланмоқдалар.**

Мактабнинг вужудга келиши кейинги уч йил ичида партия ташкилотн ҳаётида рўй бераётган жиддий ўзгаришларнинг натижаси бўлди.

Коммунистларнинг фаоллиги, партия ташкилотининг жанговарлиги ошгани совхоз ишлаб чиқаришига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хўжалик ўтган йили пахтачиликнинг ўзидан 1,5 миллион сўм даромад олди.

Суратларда: 1. Машғулот пайти. 2. Ёш коммунистлар (чапдан ўнгга) Т. Шарипов, Р. Одилов, А. Ҳайитов ва Б. Эралиев мактабнинг навбатдаги машғулотидан сўнг ўзаро мунозара қилмоқдалар.
А. КОВТУН суратлари. (ЎзТАГ).

ФАОЛЛИК ОШМОҒИ КЕРАК

Биз, райкомнинг бюро аъзолари қанчалик уринмайлик, райком аъзоларининг учдан бир қисми фаолиятсизлигини бартараф эта олмаяпмиз. Бунинг боиси, менинг назаримда, сайланма активни шакллантиришда демократик асосларнинг етишмаслигидир. Кўпинча райком составига қайси коммунистларни киритиш масаласини аппарат ҳал қилади, бошланғич ташкилотларнинг роли эса суст. Натижада бир қисм масъулиятсиз, жанговарлик хислатлари бўлмаган партия аъзолари ҳам сайланма активга кириб қолмоқдалар.

Шуни назарда тутиб, мен КПСС Уставининг 48-моддасида **партия комитетларида йиллик ҳисобот конференциялари ўтказишни кўзда тутишни таклиф этаман. Унда комитет аъзоларидан камида ярмининг ҳисоботи тингланиб, фаолиятига принципиал баҳо берилиши зарур.** Бундан ташқари, шу модданинг сўнгги қисмини қуйидаги таҳрирда беришни таклиф қиламан: **«Округ, шаҳар, район конференцияларига ҳамда округ, шаҳар район партия комитетларига вакиллик нормаларини тегишли партия комитети белгилайди».** Натижада бошланғич партия ташкилотлари нафақат конференция делегатлари миқдорини белгилаш, балки райкомнинг янги составига бевосита ўз номзодларини киритиш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар.

Ш. АТОУЛЛАЕВ,
Когон район партия комитетининг иккинчи секретари.

МАЖЛИСБОЗЛИК КАМАЙСА...

Партия турмушидаги энг ёмон иллатлардан бири мажлисбозликдир. Аслида маъмурият, меҳнат коллективи кенгаши, партия, касаба союз, комсомол, ҳалқ контроли ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳар ойда ҳеч бўлмаганда бир йиғилиши ўтказилмайдиган бирор бир коллективни топиш қийин. Амалда ҳар бир коммунистнинг ойида 8—10 йиғилишда қатнашишига тўғри келади.

Менимча, ана шундай ортиқча **мажлисбозликни тугатишда партия ибрат кўрсатиши керак.** Ҳолбуки, КПСС Уставининг 54-моддасида барча бошланғич ташкилотларда камида ойида бир марта йиғилиш ўтказиш мажбурий қилиб қўйилган.

Назаримда, **партия йиғилишларини қайси муддатларда ўтказиш бошланғич ташкилотларининг ўз эркига қўйиб берилиши лозим.** Шунчаки расмият учун ўтказиладиган йиғилишдан нима фойда?

А. ҲОТАМОВ,
Вобкент район агросаноат бирлашмаси ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси партия ташкилоти секретари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ленин номли Тошкент давлат университетининг тажрибаси асосида кадрлар тайёрлаш ва мутахассисларни стажировкадан ўтказиш юзасидан чет эл илмий ва ўқув марказлари билан бевосита шартномалар тузишни таъминлаш вазифаси топширилди. Ўзбекистон ССР билан Ленинград шаҳри ва Ленинград области ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома яратиб берган имкониятлардан ҳам кенг фойдаланиш лозим.

Докторантура, аспирантура ва стажировкага ўқишга юбориладиган номзодларни конкурс асосида, демократик вазиятда, кенг ошкоралик шароитида танлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Давлат план комитетига фан докторлари тайёрлашни кенгайтириш ва истеъдодли ёшларни ўқиш учун марказга юбориш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун маблағ қидириб топиш, зарур ташкилий масалаларни, шу жумладан докторантларни ўқиш чоғида уй-жой билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тавсия қилинди.

Илм-фанда ворисийликни, мавжуд имкониятдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш учун Фанлар академиясига ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига академиянинг етакчи олимларини асосий ишни олий ўқув юртларида муаллимлик билан узвий қўшиб олиб боришга ҳар томонлама жалб этишга оид тадбирлар системасини амалга ошириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида илмий, инженер-техник ва бошқарув кадрларини тайёрлашга доир ишларни мувофиқлаштирувчи комиссияни тузиш ҳамда уни зарур кўрсатма ва фармойишлар бериш ҳуқуқи билан таъминлаш, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида, тегишли министрликлар ва идораларда, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советида ва халқ депутатлари область Советлари ижроия комитетлари ҳузурида комиссиянинг структуравий бўлинмаларини ташкил этиш зарур, деб топилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий программасини тузиш ва уни амалга оширишга оид ишларни ташкил этиш, умумтаълим мактабидан бошлаб юқори малакали кадрларни аниқлаш, танлаш ва тарбиялаш усулларини вужудга келтириш комиссиянинг асосий вазифаси деб белгиланди.

Бундан ташқари комиссия зиммасига Улуғбек номли махсус фондни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш масалалари билан шуғулланишни юклаш мўлжалланмоқда. Ана шу фонддан тушадиган маблағ истеъдодли ёшларга ёрдам беришга, уларни ўқитишни, жумладан чет элларда ўқитишни йўлга қўйишга сарфланади.

Партия ва совет идораларига, оммавий ахборот воситаларига, «Ватан» жамиятига республика ва мамлакат аҳолиси орасида, чет давлатларда Улуғбек фондининг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, уни ташкил этишда қатнашишга меҳнат коллективларини, айрим гражданларни, жумладан чет эл гражданларини жалб этишни рағбатлантириш вазифаси топширилди.

Истеъдодли болалар билан ишлашга ихтисослашган педагог кадрларни тайёрлаш, Ўзбекистонда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва тарбиялашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалда синаб кўриш мақсадида Тошкент университети ҳузурида ўқув-илмий-педагогик комплексни ташкил этиш (мазкур комплексда психология-педагогика факультети—илмий лабораториялицей бўлади) ҳамда бунинг учун ёш физиклар ва математиклар республика интернат мактабини ТошДУ ихтиёрига ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Министрлар Советига, Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига ҳамда Тошкент давлат университетига тегишли топшириқлар берилди.

Қабул қилинган қарорда қишлоқ хўжалик фанлари соҳасидаги ишлар сира қўнгилдагидек эмаслиги айтиб ўтилди ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимида вужудга келган аҳволни тузатишга оид тадбирлар белгиланди.

ИЖТИМОИЙ МОСЛАШИШ МУАММОЛАРИ

Жиноят учун берилган жазо муддатини ўтаб қайтган кишиларнинг ижтимоий мослашиши муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ семинар-кенгаши Бухорода иш бошлади. Семинар-кенгаш ишида партия ва совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари, СССР, Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар Ички ишлар министрликларининг вакиллари, область марказлари ички ишлар бошқармалари жиноятлар олдини олиш хизматларининг раҳбарлари, озодликдан маҳрум этилиш жойларидан қайтган кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам бераётган диния вакиллари иштирок этмоқдалар.

Бухоро область ижроия комитетининг раиси Ш. К. Гатаулин ва Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи милиция генерал-майори В. В. Скоп, бошқа нотиқлар илгари судланган кишиларни ишга жойлаштириш муаммолари қандай ҳал этилаётгани тўғрисида, ижтимоий мослашиш область кенгашининг мақсад ва вазифалари ҳақида гапирдилар.

Семинар-кенгашда СССР Ички ишлар министрлиги жиноятлар олдини олиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. И. Тарасенко нутқ сўзлади. У ушбу тадбирни ўтказиш учун айни Бухоро танланганлиги тасодифий эмаслигини таъкидлади. Бу ерда катта тажриба тўпланган ва судланган шахсларни ижтимоий жиҳатдан мослаштириш ва оғир жиноятларнинг олдини олишда янгича иш шаклларидан фойдаланиляпти.

(ЎзТАГ).

● *Нуқтаи назар*

ЭЪТИҚОДИМГА ЗИД ЭМАС...

Қайта қуриш халқнинг сиёсий активлигини ҳам жўш урдириб юборди. Узоқ вақт фикр-мулоҳазалар хилма-хиллиги турли йўллар билан тўсиб келинган эди. Сиёсий онгнинг мудроқлиги, узуқ-юлуқ цитаталар асосида фикр юритиш, кўрсатмалардан четга чиқмаслик ҳозир киноя билан тилга олинаётган коммунистлар йиғилишларидаги «якдилликка» олиб келди. Юзаки якдилликнинг оқибатларини энди англаб етяпмиз. Ҳа, академик Сахаровни жиноятчи дейишганда, Афғонистонга қўшин киритиш байналмилал бурчимиз деб айтишганда, ўзини аранг эплай оладиган мўйсафидни партия ва давлат раҳбариятига кўтаришганда тўғри, деб маъқуллаб турдик. Республика далалари пахта яккаҳокимлиги туфайли ишдан чиқаёзганда, Орол қуриётганда, юқумли касалликлар авж олганда, буларга сира ҳам эътибор бермадик.

Ниҳоят 1985 йилнинг апрели ҳам келди. Партия турмуши ленинча нормалари қайта қарор топа бошлади. Демократия ва ошкоралик ҳақидаги бир ёқлама, қотиб қолган тасаввурлар чил-парчин бўлди. Жўшқин воқеалар гирдобида худди ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардай бирин-кетин турли норасмий уюшмалар, ҳаракатлар, ташкилотлар бодраб чиқа бошлади. Шаҳарлар ва қишлоқларнинг кўча ва майдонларида сершовқин, сербаҳс митинглар, намойишлар кўпайди.

Мен 1977 йилдан буён КПСС аъзосиман. Биз — етмишинчи йилларнинг коммунистлари дастлаб ўзимиз учун ғайритабиий бу ҳол қаршисида саросимага тушдик. Баъзи кишиларда эса партияга, унинг келажагига бўлган ишонча путур етди. Ғоявий бўшанг, партия сафига адашиб ёки шахсий манфаатини кўзлаб кириб қолганлар ўзларини дарҳол партиядан четга олабошладилар. Бизнинг корхонамиз партия ташкилотида ҳам шундай воқеалар юз берди. Ўтган йили 14 нафар коммунист ихтиёрий равишда партия билетини топширди. Бошланғич партия ташкилоти бу воқеадан чуқур хулоса чиқариб олди, албатта.

Тўғри, кейинги пайтларда партия ташкилотларида бевосита одамлар билан ишлаш ўрнига қоғозбозлик, расмиятчилик ҳоллари кўпайган эди. Инсон билан дилдан суҳбатлашиш ўрнига, иш хонасида ўтириб топшириқлар бериш ва буйруқбозликка зўр берилганди. Аммо айримларнинг қилмишлари бутун партияга соя туширши мумкинми? Асло! Партияни тарк этганлар уни ортиқча, кераксиз юкдан халос этдилар, холос.

Партиявий ишни тубдан қайта қуриш, халқ орасига кириб бориш, омма билан доимий, жонли алоқада бўлиш партияга янги, ижодий руҳ бағишлайди. Ҳозирги шароитда партиявий ишнинг нозик нуқталаридан бири — норасмий уюшмаларга муносабатдир. Рости, шаҳримизда дастлабки норасмий уюшмалар вужудга келганда мен бирор бир фикр айтишдан ўзимни четга тортдим. «Бирлик» уюшмаси аъзолари корхонамизда ҳам пайдо бўлишди. Экология, давлат тили масалалари хусусида баҳслар бошланди. Лекин бир ҳолат эътиборимни жалб этди. «Бирлик»ка асосан ўзбеклар аъзо бўлишар, бу эса ҳаракатни тор миллий доирада чегаралаб қўйиши мумкин эди. Унинг айрим аъзолари хатти-ҳаракатларида экстремистик кайфият ҳам йўқ эмасди. Ҳаракат вакиллари хилма-хил тақдирли, турли характердаги кишилардан иборат. Хоҳлаган одам ўзини «Бирлик» аъзоси деб эълон қилаверарди.

Областимизда ўтган йили май-июнь ойларида содир бўлган фожиали воқеалар бизга аччиқ сабоқ бўлди. Ўзга миллат кишиларининг бир қисми областдан ташқарига кўчиб кета бошлади. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмамизнинг ўзидан 260 киши бошқа шаҳарларга кетди. Улар орасида юқори малакали мутахассислар ҳам кўп эди. Айни пайтда шаҳардаги рус тилида сўзлашувчи халқлар вакиллари, айниқса зиёлилар орасида «Интерҳаракат» тузиш ғояси кучайди. Фарғонада миллий муносабатларнинг ўзига хос «Болтиқ бўйи» варианти шакллана бошлади. Аввалига коммунистлар, партия ташкилотлари норасмий уюшмалар билан шуғулланишни ўзларига эп кўрмай масалани четлаб ўтдилар. Сўнгроқ эса бу уюшмалар фаолиятига дабдурустдан қора чаплашга киришиб кетишди. Бироқ ҳар иккала йўл ҳам вазиятни яхшилашга олиб келмас эди.

Узоқ мулоҳазалардан сўнг мен ниҳоят бир қарорга келдим. Бирлашма партия комитети секретарига корхонадаги «Бирлик» норасмий уюшмаси ташаббус группасига аъзо бўлганимни айтдим. Суҳбатимиз анча давом этди. Бироз қизишиб ҳам олдик. Лекин охири секретарь менинг коммунист сифатида виждоним буюрган ишни қилаётганимга амин бўлди. Менинг «Бирлик» уюшмасига аъзо бўлишим партияни асло тарк этиш эмас эди. Бу шунингдек, уюшма аъзолари ишончига кириб олгач уни пароканда қилишга қаратилган найранг ҳам эмас. Секретарга мен ўз қароримни асослаб бердим. Ахир, ўйлаб кўринг, биз кўпинча «Бирлик»ка собиқ жиноятчилар, иши юришмаган амалпарастлар кириб олиб, бу ҳаракатга путур етказяпти, деган фикрни айтамиз. Аммо бу ишимиз дарё қирғоғида туриб олиб чўкаётган одамга қараб дод-вой солишга ўхшамайдими? Ундан кўра биз шу уюшма ичида туриб, уни тўғри йўлга солишга интилишимиз лозим. «Бирлик» ўз низоми ва программасига мос иш кўришини таъминлаш маъмурий органларнинг эмас, балки биринчи галда коммунистларнинг ишидир. Партия ҳозирги пайтда халқнинг барча қатламларини, барча соғлом кучларни қайта қуришни амалга оширишга йўналтириши лозим экан, нима учун «Бирлик» аъзолари эътиборимиздан четда бўлиши керак? Зеро, Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида **«Жипслашиш, бирлик, қайта қуриш ва республика ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш тарафдорлари бўлган ҳамма кучлар билан ҳамкорлик қилиш**—бўлажак давр ва тарихий истиқбол учун Ўзбекистон Компартияси ўз олдига қўяётган вазифадир» деб қайд этилган. Шунингдек, КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳам партия жамиятни янгилашни ёқлаб чиқаётганларнинг ҳаммаси билан сиёсий мулоқот ва ҳамкорлик қилажагини алоҳида таъкидлагани айни кўнглимиздаги гап бўлди.

Партия комитети аъзоси, халқ контроли комитети раисининг норасмий уюшмага аъзо бўлганлиги корхона коммунистлари орасида кескин мунозараларга сабаб бўлди. Аммо ташаббус группасининг ишини тўғри йўналтириш сари қўйилган қадамлар беҳуда кетмаяпти. Масалан, айни кунларда корхонамиздаги «Бирлик» аъзолари орасида ўзбекларнинг эмас, балки рус, украин, крим-татар, яҳудийлар ҳам бор. Корхонада ўзбек тилини ўрганиш курслари очилишида уларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди. Ҳозирги пайтда биз курслар машғулотларини ҳар куни ярим соатдан ўтказишга эришиш учун ҳаракат қиляпмиз. Чунки, ҳафтасига икки марта бир ярим соатдан ўтаётган машғулотларнинг самараси кам бўляпти. Экология, миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилдик. Бироқ тан олиш керак, бизда ҳозирча йиғилишлар кўпу, амалий ишлар кам. Аммо ҳаракатнинг фаоллашуви, иқтисодий, экологик масалаларни ҳал этишда «Бирлик» уюшмаси бирлашма бошланғич партия ташкилотининг яқин ёрдамчисига айланиши учун курашяпмиз. Турли маданий-оқартув тадбирларини ўтказишда фаол иштирок этяпмиз.

Менинг қатъий фикрим шуки, норасмий уюшмалар билан ҳамкорлик партия ташкилотининг обрўсига путур етказмайди. Аксинча унинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлайди. Ҳа, мен «Бирлик» аъзосиман. Аммо бу коммунистик эътиқодимга асло зид эмас.

В. ГОРБЛЮК,
Фарғона шаҳридаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли комитетининг раиси, корхона партия комитети аъзоси.

● *Журналларнинг янги сонларида*

«МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг февраль ойи сони босмадан чиқди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг КПСС Марказий Комитетининг «Марказий партия матбуотини қайта қуришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан республика оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий, маънавий ва социал соҳаларда демократияни янада чуқурлаштириш, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга донр фаолиятн таҳлилига онд қарори билан очилади.

Айни кунларда республикада область журналистлар ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари якунланмоқда. Ушбу сонда Қашқадарё область журналистлар ташкилотининг конференциясидан репортаж эълон қилинган.

Республикамиз ҳаётидаги муҳим мавсум — пахта териш кампанияси матбуотда қандай ёритилди? Ушбу мавзуга бағишланган «Муваффақиятлар ва камчиликлар» сарлавҳали таҳлилий мақола муаллифлари В. Никулин, Н. Рихсиев, В. Шолохов, А. Исҳоқбоевлар «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Сельская правда» ва «Ёш ленинчи» газеталарида терим кампанияси матбуотда қандай ёритилганлигини таҳлил қиладилар.

«Сўнмас сиймолар» рубрикаси журнал саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олди. Унда Ўзбекистон матбуотини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган тажрибали журналистлар ва матбаачиларнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. З. Есенбоевнинг шу рубрика остида босилган «Устоз журналист» сарлавҳали мақоласи таниқли қаламкаш Вали Галямов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган.

Журналда «Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан» рубрикаси билан В. Склярнинг «Журналист Борзенко жасорати» сарлавҳали лавҳаси босилган.

Журналнинг ушбу сонида «Саволингизга жавоб берамиз» деган янги рубрика очилган. Журналда шунингдек «Муҳаррир минбари», «Иш столи ёнидаги мулоҳазалар», «Матбуот — тариқ кўзгуси», «Таҳрир қилинмаган хатлар» каби рубрикалар остида ҳам қизиқарли материаллар, фоторепортажлар берилган.



• Фан—ишлаб чиқаришга

СССРни соцнал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган Асосий йўналишларида кўрсатилганидек, олимлар ва мутахассислар зиммасига халқ хўжалиги учун фойда келтирадиган янги материалларни яратишдек масъулиятли вазифалар юкланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Полимерлар химияси ва физикаси институти коллективи электр ўтказувчан полимерларни ўрганиш, уларнинг янги қирраларини очишдек масъулиятли ишни амалга оширмоқдалар. Бу изланиш қандай давом этяпти. Институт директорининг ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор А. МАМАДАЛИЕВ бу ҳақда мухбиримизга сўзлаб берди.

ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

— Электр ўтказувчан органик материалларни электроника соҳасида қўллаш самараси ва истиқболи катта. Улар электроника соҳасининг янги йўналишини ва истиқболли йўлларини белгилаб беради. Бунга сабаб бир томондан органик хом ашё тузилиши, физик-химиявий хусусиятлари жиҳатидан ноорганик хом ашёга нисбатан турлича бўлса, бошқа томондан уларга кимёвий усул билан янги хусусиятларни бериш мумкин.

Демак, уларнинг хоссаларини ўрганиш, ток ўтказиш механизмларини аниқлаш, параметрларини барқарорлаштириш ва натижада электроникада қўллаш мумкин бўлган турларини танлаб олиш керак. Шуни таъкидлаш керакки, махсус ва амалий жиҳатдан муҳим электрофизик хоссаларга эга бўлган органик материалларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу кунларда бир неча бутунлай янги ва истиқболли органик бирикмалар вужудга келди. Бундай органик материаллар нафақат ярим ўтказгич, балки электроўтказувчанлик хусусиятлари бўйича металлар билан тенглаша олади. Булардан айримлари кристалл тузилишига эга бўлган бирлашган алоқали полимерлар бўлиб, заряд ташувчанлиги ва силжувчанлиги .хусусияти билан ҳаттоки ноорганик материаллар (кремний, германий) орасида ҳам юқори кўрсаткичга эга. Бу ўз навбатида турли диодлар, транзисторлар ва бошқа элементларни яратишга имкон очиб беради.

Институтимизда полимер материалларини олиш, уларнинг ташқи муҳитга таъсирчанлигини мувофиқлаштириш, электрофизик, оптик, фотоэлектрик, иссиқлик физикаси ва бошқа хоссаларини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар кенг миқёсда олиб бориляпти. Буларда биз полимерларнинг электрон тузилиши ва электрофизик хоссаларнинг орасидаги боғлиқлик назариясини ишлаб чиқиш, ярим ўтказувчан ва фото ўтказувчан хоссаларга эга бўлган бирикмаларнинг янги туркумларини синтез қилиш, электроника саноатида, асбобсозликда, энергетикада кенг қўлланиши мумкин бўлган юқори сифатли ҳом ашё олиш технологиясини, шунингдек микроэлектроникада ишлатиш мумкин бўлган кимёвий ток манбаларини яратиш каби муаммоларни ҳал қилишга ўз изланишларимизни қаратганмиз.

Бугунги кунда умид қилса арзийдиган натижалар олинаётгани бежиз эмас. Бу борада юқори малакали химиклар ва физикларнинг илмий ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Химиклар томонидан бир неча янги электрўтказувчан полимерлар ҳосил қилинган ёки поливинилхлорид ва полиацетилен қоришмаси асосида нисбатан турғун бўлган полимер ишлаб чиқариш усули яратилган бўлса, физиклар томонидан уларнинг кўп қирралн хоссалари ўрганиб чиқилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, таклиф қилинган бирикмалар ўзларининг асосларига кўра ташқи муҳит таъсирига чидамлилиги билан ажралиб туради. Бизда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар асосан электрўтказувчан полимерларнинг фундамент хоссаларини ўрганишга қаратилгандир. Бунда полимер занжиридаги молекулаларнинг бир-бирига таъсири, электрон ҳаракати, полимер тузилиши мувозанатининг иссиқлик таъсирида ўзгариши каби тадқиқот натижалари полимерларда ток ўтиш механизмларини билишга олиб келади. Мисол учун, полидиацетилен кристалларини ўрганиш жараёнида уларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ички молекуляр водород боғларининг узилишига ва кристаллографик йўналишига боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Сўнгги йилларда матбуотда бир қатор хорижий фирмалар томонидан яратилган ва электрод сифатида полимер ишлатилган ток манбалари ҳақида эълон қилинди. Бунда ток манбалари чидамлилиги ва узоқ муддатли ишлаши билан ўзига хосдир. Институтимизда ҳам шундай кимёвий ток манбалари яратиш устида изланишлар бошлаб юборилди. Бу ток манбаларида биз электрод ва электролит сифатида полимер материалидан фойдаланмоқдамиз.

Ҳозирча олинган элементлар афзалликлари билан бир қаторда камчиликлардан ҳам холи эмас. Айнан шунинг учун изланишларимиз шу камчиликларни бартараф қилишга қаратилгандир. Бунинг учун ток ҳосил қилишдаги кимёвий реакцияларнинг қай тарзда бориши моҳиятини очиш, электрод ва электролитнинг электр ўтказувчанлиги шу реакция таъсирида қандай ўзгаришини аниқлаш масаласи турибди. Кимёвий ток манбаининг чидамлилиги ва узоқ муддат ишлаши, ишлатилган полимер материалининг ички тузилишига ва элементнинг конструкциясига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам ички тузилиши барқарорлаштирилган полимерларни олиш ва ишлатишни мўлжалламоқдамиз. Шу билан бирга илмий текширишлар натижасида шу нарса аён бўлдики, электрўтказувчан полимерлар асосида юқори сезувчанликка ва аниқликка эга бўлган намлик ва температура ўлчагичлари ҳам яратиш мумкин экан. Ҳозирги кунда ана шундай қурилма ва асбобларнинг тажрибавий нусхалари яратилди ва синовдан ўтказилмоқда.

Хуллас, полимерлар электроникаси фандаги янги йўналишлардан бири бўлиб, келажакда анъанавий ҳисобланган хом ашёлар ўрнини босиши керак. Вақти келиб органик материаллардан биокомпьютерлар яратилади деб дадил айтилмоқда. Бу компьютер элементлари сифатида ҳажми битта катта молекуладан ошмайдиган — яъни ҳозирги микросхемалардан бир неча ўн минг марта кичик элементлар ишлатилса, ажаб эмас.

Ҳозирча, электрўтказувчан полимерларнинг физик хоссаларини етарли даражада чуқур ўрганиш, молекулаларнинг сирини очиш каби муаммоларни ҳал қилиш керак.

ИШ ҚИЗҒИН

Наманган область Поп районидаги «Навбаҳор» совхози деҳқонлари бу йил 2700 гектар ерга чигит экишни мўлжалламоқдалар. Ҳар гектар майдондан 22 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлашган. Хўжалик азаматлари айни вақтда қишки дала ишларини, техника ремонтини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Ремонтчилар ўртасида ташкил этилган мусобақада токарь Ғуломжон Эрназаров топшириқларни 1,5—2 ҳисага бажариб, ҳамкасбларига ибрат бўлаётир.

Суратда: ўз касбининг устаси Ғ. Эрназаров.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ЎзТАГ ҲУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МАТБУОТ ГРУППАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ахборот агентлиги ҳузурида республика махсус матбуот группаси тузилди. Матбуот группаси тайёрлаган дастлабки материаллар газеталарда босилиб чиқди, телевидение ва радио орқали эшиттирилди.

Группа составида журналистлардан ташқари партия, совет, давлат, хўжалик идораларининг, жамоат ташкилотларининг нуфузли ходимлари, социологлар бор.

Республика аҳолисида жуда кўп саволлар туғилмоқда, лекин афсуски, бу саволларга улар тегишли идоралар ва ташкилотлардан жавоб ололмаётирлар. Бироқ ана шу саволлар одамларни ҳамон ташвишга солмоқда. Шу боисдан махсус матбуот группаси газетхонлар билан бевосита алоқа ўрнатишга аҳд қилди. Сизни қизиқтирган ҳар қандай саволлар билан қуйидаги адресга мактуб йўллашингиз мумкин: 700000, Тошкент, ГСП, Карл Маркс кўчаси, 38, ЎзТАГ, матбуот группаси.

Шанба ва якшанба кунларидан ташқари исталган кунда соат 15 дан 17 га қадар Тошкентга 33-83-79 рақамли телефонга қўнғироқ қилишингиз, ўз саволингиз ва таклифингизни айтишингиз мумкин.

Мамлакатдаги қайта қуриш бир текис бораётгани йўқ: ошкоралик ва демократия эришаётган ютуқлар очиқ равшан кўринib турган бир пайтда, афсуски, иқтисодиётда баъзи бир муваффақиятсизликларга, истеъмол бозорининг издан чиқишига, уюшган жиноятчилик бош кўтаришига дуч келяпмиз. Миллатлараро можаролар ва айримчилик майллари совет федерацияси учун даҳшатли хавфга айланди. Воқеаларнинг боришини қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, уюшқоқлик тантанаси томон қатъиян буриб юбориш зарурлиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Бироқ демократия куртакларини бўғиб қўяётган шумғияларга қарши кескин курашда ғайриқонуний, ғайриконституцион ҳаракат усулларини ишлатиб бўлмаслиги сабабли бу заруратни рўёбга чиқариш қийинлашиб бормоқда, — бундай усуллардан фойдаланиш соғлом куртакларни ҳам нобуд қилиб қўйиши мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ЕТИЛДИ

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. Примаков билан суҳбат

Кейинги кунларда президентлик идора усулига ўтиш тўғрисидаги таклиф мамлакат жамоатчилиги томонидан кенг миқёсда муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган ва кўп жиҳатдан бошқаларига ўхшамайдиган Пленумида шу таклиф маъқулланган эди. Умуман сиёсий тартиб-қоидани шу қадар тубдан ўзгартириш ғояси кўпдан бери пишиб етилган, жаҳон практикасида ҳамма қабул этган ва тўғрилиги исботланган муқаррар ва демократик тадбир деб баҳоланаётганини айтмоқ керак.

Бироқ бошқача мулоҳазалар ҳам бор. Чунончи, Америкада чиқадиган «Вашингтон пост» газетасида эълон қилинган мақолада СССР Олий Совети баъзи аъзоларининг фикрига асосланиб, СССРда президент лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқлиги ва ўз вақтида қилинган иш бўлиши хусусида шубҳа билдирилади. Шу муносабат билан ТАСС мухбири А. Орлов СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод **Е. М. Примаковдан** шу масала хусусидаги фикр-мулоҳазаларини айтиб беришни сўради.

— Аввало шуни тан олишим керакки, менинг Олий Совет депутатлари билан баҳслашишим қийин, чунки мен сиз тилга олган мақола билан таниша олганим йўқ. Муаммонинг моҳияти хусусидаги ўз фикримнигина айта оламан. Бу масала етилиш у ёқда турсин, ҳатто, таъбир жоиз бўлса, жуда қиёмига етди, деб ҳисоблайман. Янги идора усулининг зарурлигини қандайдир бир лаҳзалик, айниқса ҳозирги аҳволга доир мулоҳазалар тақозо этаётгани йўқ. Президент лавозимининг таъсис этилиши ва мамлакатнинг Асосий Қонунига тузатишлар киритилиши мамлакатдаги демократик ўзгаришлар жараёнининг мантиқий натижасидир. КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида қабул этилган Ҳаракат дастурида амалий тарзда эълон қилинган кўп партияли системага ўтиш мамлакатнинг давлат тузилишида ҳам шунга монанд ўзгартишларни талаб қилади. Очиғини айтганда, энг сўнгги вақтгача ҳам КПСС Марказий Комитети мамлакатнинг стратегик вазифаларини белгилабгина қолмай (чамаси партия келгусида ҳам сиёсатни ишлаб чиқиш билан шуғулланаверади) — шу билан бирга мамлакатнинг кундалик турмушига оператив раҳбарлик қилиб келди. Энди вазият мутлақо ўзгармоқда, партия ўзининг иш усулларини ўзгартирмоқда. Мана шундай шароитда давлат тартибини бўшаштирмаслик, ҳокимиятсизликка йўл қўймаслик (ҳокимиятсизлик эса қайта қуриш учун ҳалокатли бўлур эди) давлатни бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олишга, парламент қабул қиладиган янги қонунлар бекаму кўст амалга оширилишини кузатиб боришга қодир бўлган янги кучли лавозим зарур.

Олий Советнинг иши ҳам мана шундай янги марказ зарурлигига ишонтирмоқда: қонун чиқариш соҳасидаги дастлабки кўтаринкилик, ҳатто парламентнинг аҳамиятини ҳаддан ошириб кўрсатиш ўрнини ёндашувдаги вазминлик олмоқда, қонунларни қабул қилишнинг ўзи билан иш битмаслиги, уларни бажариш кераклиги тушуниб олинмоқда. Бу қонунларнинг кўплари, чунончи, Олий Совет қабул қилган ижара тўғрисидаги Қонун ҳали турмушга татбиқ этилаётгани йўқ. Қонунларни турмушга татбиқ этишни ҳам, стратегик раҳбарликни амалга оширишга ҳам қодир бўлган тартиб-қоида керак. Президентлик идора усулигина мана шундай орган бўлиши кераклиги ва у жуда кучли бўлиши лозимлиги менга равшан.

Бунда вазифаларнинг қоришиб кетиши асло рўй бермайди, чунки биз ўз раисига эга бўлган кучли, такрор айтаман, кучли ва мустақил Олий Советни сақлаб қоламиз, бу раис ўзининг бутун диққат-эътиборини совет парламенти ишининг самарадорлигини ошириш масаласига қаратади. Шундай зарурат ҳам сезилмоқда.

Шу билан бирга ҳозирги пайтнинг ўзи ҳокимиятда мана шундай янги лавозимни таъсис этишни талаб қилмоқда. Этник можаролар мамлакатни ларзага солмоқда, иқтисодиётдаги ишлар кўнгилдагидек бораётгани йўқ, интизом пасаймоқда. Аммо жиноятчилик ҳаддан ташқари кучайиб кетди. Мана шундай шароитда президент мазкур вазиятларни ҳам эътиборга олиб етарли равишда кучли ҳокимиятга эга бўлиши керак. Акс ҳолда ҳамма куч-ғайратларимиз беҳуда кетади. Бу — фақат менинг фикрим эмас, Олий Советдаги, партиядаги, академия доираларидаги кўп ўртоқлар ҳам шу фикрни айтмоқдалар. Демократия ривожланмоғи учун у қонун томонидан ҳимоя қилинишга муҳтож. Ҳақиқий қонун мамлакатнинг олий раҳбарларидан тортиб фуқароларигача ҳамма учун мажбурий бўлиши керак. Қонунга оғишмай риоя этилишини таъминлаш президентнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан, назаримда, у ҳар қандай мансабдор шахсни алмаштириш масаласини ҳал қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

— Шу муносабат билан янги ғоянинг танқидчилари тез-тез тилга олаётган бир далилни айтиб ўтмоқчиман. Шу қадар кенг ваколатларнинг бир кишига, ҳатто М. С. Горбачев каби халқпарвар арбоб қўлига бериб қўйилиши якка ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига олиб бормайдими?

— Жамиятнинг равнақини — мен бунга аминман— ҳокимият самарадорлигини демократия билан қўшиб олиб бориш орқали таъминланади. Бундай қилиш бизнинг мамлакатимизда айниқса муҳимдир. Чунки ўтмишда ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши оқибатида биз шундай кунларни бошдан кечирдикки, бу кунлар ҳеч такрорланмаслиги керак. Шу сабабли кучли президент ҳокимиятини барпо этиш билан айни бир пайтда «демократик юмшатгичлар» ҳам барпо этилиши керак.

Мен буни қандай тасаввур этаман? Аввало бу ҳатто президент томонидан кечиктириш ветоси деб аталган ҳуқуқ ишга солинган тақдирда ҳам (президент албатта шундай ҳуқуққа эга бўлиши керак) қонунлар ёки қарорлар қабул қилиш имкониятидан иборатдир. Агар СССР Олий Совети кўпчилик овоз билан такрор қонун қабул қиладиган бўлса, бу қарор давлат бошлиги учун мажбурийдир.

Сўнгра, ҳокимиятнинг халқчиллиги президент СССР Конституциясига ҳилоф иш тутган тарзда унга ишончсизлик билдиришнинг бошқа воситасини қўлланиш имконияти билан ҳам мустаҳкамланади. Парламент уни муддатидан аввал чақириб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Эҳтимол, конституцион комиссиянинг таклифи билан шундай қилинар. Президент ваколатлари муддатини чеклаб қўйиш ҳам муҳимдир — бу ваколатлар икки муддатдан ошмаслиги керак, деб ўйлайман.

— Президент қанча муддатга сайланиши мумкин?

— Бу борада турли фикрлар бор. Баъзилар президентлик муддати парламентнинг иш муддатларига мос келмаслиги керак, деб, менинг фикримча жуда асосли равишда ҳисобламоқдалар. СССР халқ депутатлари Съездининг ваколатлари тугагач, янги состав президент орқали муайян давомийликка риоя эта олиши мумкин.

Президент ўз вазифаларини бажариш учун унинг ҳузурида кенгаш бўлиши керак. Бу кенгаш таркибига давлат, сиёсат арбоблари ўз лавозимларига кўра ҳам, шунингдек президент тайинлайдиган кишилар ҳам кириши мумкин бўлур эди. Масалан, Министрлар Советининг Раисини, мудофаа, ташқи ва ички ишлар министрларини кенгаш таркибига киритишни таклиф қилиш мумкин бўлур эди. Жамиятда мавжуд бўлган кайфиятлар ва фикрларнинг бутун мажмуини аниқ пайқаб олишда президентга ёрдам бера оладиган сиёсий арбобларни кенгаш таркибига киритиш фойдали бўлишига аминман.

Давлатнинг федерал негизларини мустаҳкамлаш соҳасида президент зиммасига жуда катта мажбуриятлар юклатилиши лозим. Президентлик идора усулининг жорий қилиниши республикаларнинг мустақиллигини кенгайтириш жараёнларига зарба уради, деб хавфсираш учун ҳеч қандай асос йўқ. Кучли марказ зарур, аммо унинг барпо этилиши билан бирга республикалар мустақиллигини ҳақиқий мазмун билан тўлдириши лозим. Шу сабабли президент ҳузурида федерал кенгаш ёки СССР федерацияси кенгашини тузиш керак, деган фикр бор, бу кенгашга барча иттифоқдош республикаларнинг олий мансабдор шахслари кирган бўлур эдилар. Федерациянинг энг муҳим масалалари шу кенгашда, демократик асосда ҳал этиладиган бўлади.

Суҳбатнинг бошида айтган гапимни яна таъкидламоқчиман: президент тўғрисидаги масала пишиб етилган ва тезроқ ҳал этилиши лозим. Баъзан тушунмаганликдан, баъзан диёнатсизликдан шу мавзуда турлитуман бўлмағур гаплар ва даъволар айтилмоқда. Дарвоқе, ҳозир президентлик идора усули хусусида шубҳа-гумонлар билан чиқаётган «ўта ислоҳотчилар» деб аталган баъзи бировлар ҳали яқиндагина жуда қатъият билан мана шундай усулни жорий қилишга даъват этган эдилар. Очиқдан-очиқ бетайинликнинг далили эмасми бу? Бундан чиқдики, ғояни улар кўтариб чиқишмаса, уни улар албатта барбод этиши керак эканда. Ёки бу ўринда шахсий манфаатлар, фақат ўзларининг манфаатлари учун кураш устунлик қила бошлайди. Бундай қилиш ярамайди, жамият ва давлат олдида жуда юксак масъулиятни сезмоқ керак.

Президент лавозимини таъсис этиш ғоясини кенг омма, кўпчилик аҳоли қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

— Шошма-шошарлик қилияпти, деган яна бир шубҳа-гумон ҳам бир мунча ёйилган. Гўё масала пухта ишлаб чиқилмаган эмиш, яна ўйлаб кўриш лозим эмиш ва ҳоказо. Президентлик ғоясининг ўзи қандай пайдо бўлган эди? Шу масаланинг тарихини гапириб бермайсизми?

— Келинг, гапни бу масала жамиятда кўпдан буён муҳокама қилинаётганидан бошлай қолай. Назаримда, бу ҳақда Хрушчев даврида гап очилган эди, кейинчалик бу ғоя халқ депутатларининг съездларида бир неча бор кўтарилди. Ўшанда ғоя қўллаб-қувватланмаган эди, ўзимиз ҳам, жамият ҳам ҳали кўпгина чинакам туб тадбирларга тайёр эмас эдик. Вазият ҳам бошқача эди: 6-модда ўзгармаган эди. Энди вазият бошқача бўлиб қолди, ғоя аслида қайтадан туғилди, дейиш мумкин.

— Бу гапдан: бошқа партиянинг вакили ёки партиясиз киши ҳам мамлакат президенти қилиб сайланиши мумкин, деган маъно келиб чиқадими?

— Мамлакатдаги олий лавозимга номзодни ҳар қандай ташкилот, жамоат ҳаракати, келгусида қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлган партиялар ҳам таклиф қилишлари мумкинлиги мутлақо равшан. Президент мукобиллик асосида сайланиши керак. Ҳозирги вазиятда М. С. Горбачев президент бўлиб қолишига шахсан мен умидворман. Сиёсатимиз саҳнасида давлат ишларига ёндашишдаги етуклиги, фикр-мулоҳазаларининг вазминлиги, давлатга раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган маълумотининг кўплиги жиҳатидан М. С. Горбачев билан мусобақалаша оладиган бошқа номзод йўқ.

— Президентнинг вазифалари ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз. Биз Вето ҳуқуқи, фавқулодда ҳолат эълон қилиш эҳтимоли, ҳар қандай мансабдор шахсларни, шу жумладан, тушунишимча, бош министрни ҳам алмаштириш мумкинлиги ҳақида гапириб ўтдингиз.

— Бу масалалар ҳали Олий Советда ва халқ депутатлари съездида ҳар томонлама муҳокама қилинади. Ҳозирча ўз фикрларимни айтишим мумкин. Менимча, кадрлар масалаларида юқорида айтиб ўтилган ваколатлардан ташқари президент ўз зиммасига, чамаси Олий Совет Президиуми вазифаларининг бир қисмини — гражданлик, мукофотлар, авф этиш вазифаларини олади. Президент Олий Бош қўмондон ҳам бўлиши табиий. Шу лавозимда президент уруш эълон қилиши, СССРга уруш эълон қилинган тақдирда қисман ёки тўла сафарбарлик ўтказиши мумкин. Аммо у бошқа ҳамма ҳолатларда чет элларга қўшин юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Бу масалаларни фақат СССР Олий Совети ҳал қилишга қодир, деб ўйлайман. Бу ҳам демократия ва қонунийликнинг яна бир кафолотидир.

Чамаси, президент мамлакатнинг у ёки бу регионида фавқулодда ҳолат жорий қила олади, аммо бу масалани иттифоқдош республиканинг олий ҳокимият органлари билан албатта муҳокама қилиши шарт, бироқ реалистлар бўлганимиз учун, албатта, розилик олинишини кутиш соддадиллик бўлур эди. Республика аҳолисининг бир қисми бир тусдаги қарорнинг, бошқа қисми эса бунга зид тусдаги қарорни ёқлаб чиқадиган вазиятлар ҳам вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолларда президент шубҳасиз, ҳал қилувчи ваколатларга эга бўлиши керак.

— Башарти президентлик идора усули жорий этилмаса, у ҳолда нима бўлади, деб ўйлайсиз? Муқобил таклифлар ҳам бўлиши мумкинми?

— Бундан бошқа йўл мутлақо йўқ, деб ҳисоблайман. Модомики, ўтмишда партия ва унинг Марказий Комитети мамлакатга раҳбарлик қилиш вазифасини бажариб келган ролдан воз кечишга қарор қилинган экан, мен жамиятни президент лавозимисиз тасаввур эта олмайман.

— Охирги савол: президентни ким сайлайди?

— Умуман президентни бутун халқ сайлаши керак, албатта. Келгусида худди шундай бўлишига ишончим комил. Аммо ҳозир маромнинг ўзгариши қайта қуриш учун ҳалокатли бўлур эди. Сайловчилар сайлаган кишилар орқали иш тутиш лозим, деб ҳисоблайман.

Хатларда қишлоқ муаммолари

Тутзорлар кўпайса...

● Қиз-жувонлар эгнида ял-ял товланувчи хонатласин кўрганимда бенихтиёр пиллакор меҳнатни кўз ўнгимда гавдаланади. «Кумуш тола» ижодкори ҳар йилги қурт боқиш мавсумида 25—30 кун баргдан тежаб-тергаб фойдаланиш пайидан бўлади.

Қишлоқда туғилиб вояга етганимдан буён ҳар йили баҳорда ариқ-зовур бўйларига, уватларга тут кўчати ўтқазилаётганининг гувоҳиман. Узоққа бормай, 1989 йилни олайлик. Ўтган йили 15 минг тупга яқин тут кўчати ўтқазилди. Афсуски, кўплаб кўчатлар совхозимиз дала шийпонида ҳафталаб қолиб кетди. Уч-тўртта ишчига уни тезроқ йўқотиш топширилди. Бу иш тезда амалга оширилди.

Ҳа, анчагина кўчат ўтқазилди-ю, сўнгра унутилди. Кўплари қуриб қолди. Агар кейинги 10-15 йил давомида экилган тутлар кўкариб кетганда эди, эндиликда яна кўчат экишимизга ҳожат қолмасди. Совхозимизнинг ҳар йили 1,5—2 минг сўми кўкка совурилмасди.

Менимча, ҳар бир бригададан 2—3 гектардан ер ажратиб, уни тутзорга айлантирган маъқул. Шунда хўжалик пиллакорлари барг қидириб сарсон бўлишмайди.

Т. ТЕШАБОЕВ,
Охунбобоев районидаги Аминжон Ниёзов номли совхоз ишчиси.

Ўзимизда қолсин

● Редакциямизга келаётган кўпгина мактубларда жумҳуриятимизда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш имкониятлари ҳақида фикр юритилади.

Яқинда радиодан эшитиб қолдик. Бизда етиштирилаётган шелуха ва кунжара бошқа республикаларга чорилаётгаилиги, ҳатто Болтиқбўйи жумҳуриятларида бу озуқалар моллар тагини қуруқлаш учун солинаётгани қулоғимизга чалинди. Эшитдик-у ранжидик. Чунки ўзимизда бу озуқа қадрли. Шуниси ҳам борки, бизнинг республикамиз асосан пахтачиликка ихтисослашган. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини эса қардош республикалар бизга етказиб туришлари керак. Аслида шундай бўляптими? Йўқ. Улар фақат ўзларидан ортсагина жумҳуриятимизга маҳсулот сотадилар. Энди бундай номаъқулчиликларга чек қўйиш пайти келди. Чорва озуқасини ўзимизда олиб қолсак, аминмизки, гўшт, сут, тухум ҳам кўпаяди.

Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тўрақўрғон райони.
Б. ҚАҲҲОРОВ,
Каттақўрғон шаҳри.

Юқоридаги рубрика остидаги материалларда одамларни ташвишга солаётган долзарб масалалар кўтарилмоқда. Ҳозир республикамиз партия-ҳукумати ҳам кўпгина ана шундай муҳим муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун ҳаракат қилмоқда. Хатларда кўтарилган масалалар юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш кўп жиҳатдан маҳаллий партия, совет, касаба союз ташкилотлари, қишлоқ Советлари раҳбарларининг жонажон иши. Уйлаймизки, улар бу ишларни пайсалга солиб ўтирмай, тезда ҳал қиладилар.

Озуқага боғлиқ

● Биз уруш ва меҳнат ветеранлари қишлоғимизда аҳоли чорва молларига ем-хашак етишмаётганлиги учун жиддий ташвишдамиз. Чунки ҳозир ҳамкишлоқларимиз хонадонларининг бештасидан тўрттасида мол боқилмоқда.

Афсуски, ерлар торлиги, яйловлар йўқлиги туфайли қийинчилик юзага келмоқда. Ваҳолонки, қўшни Киров, Фрунзе районларидаги колхоз-совхозлар аҳолига хўжаликдан ортиб қолган ем-хашакни арзон нархда сотишяпти. Бироқ бизда бу иш ҳали йўлга қўйилгани йўқ. Эсимизда, аввалари, яъни 60-йилларда ҳар қайси қишлоқда сут қабул қилиш пунктлари бўлиб, аҳолининг эҳтиёжидан ортиқча сут маҳсулотлари шу ерга топширилар эди. Бунинг эвазига хўжаликлар аҳолига давлат нархида шелуха, кунжара ва омухта ем сотишарди.

Бизнингча, яна ўша анъанани тиклаб, сут қабул қилиш пунктлари ташкил этилса, аҳоли чорвасини ҳам озуқа билан таъминлаш йўлга қўйилса, айни муддао бўларди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари номидан

М. МАМАЖОНОВ,
М. СИДДИҚОВ.

Шароит бўлмагач...

● Кейинги пайтларда бизнинг совхозимизда анча муаммолар йиғилиб қолди. Айниқса, ўтган йили пахта плани ярмида қолиб кетди. Бошқа соҳалар бўйича ҳам ишлар юришмади. Негаки, хўжалик деҳқонларига одамийлик шароитлар ҳам яратиб берилмаган. Дала шийпонларн қаровсиз, ночор аҳволда.

Совхозда бешта бўлим бўлиб, уларнинг ҳеч бирига газ келтирилмаган. Биргина Талактепа қишлоғининг ўзида кўпгина ишлар ўлда-жўлда. Бу ерда бор-йўғи битта ариқ бор. Пахтадан ортиб қолсагина экинларимизни суғоришимиз мумкин. Шу ариқ уйимизнинг шундоққина орқасидан ўтади. Ўтган йили бир неча марта сув тошиб кетди. Шу обиҳаёт далаларга оқса эди, ҳосилдорлик ошган бўларди. Хўжалик раҳбарлари эса лоток ўрнатишни пайсалга солмоқдалар.

Ш. БОЙИРОВА,
Чироқчи районидаги Талактепа қишлоғи.

Томорқа бериляпти-ю...

● Аҳолига томорқа учун ер бериш масаласи бизнинг Нурота шаҳримизда оғир кечмоқда. Шаҳар Советида уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида ер участкаси сўраб берилган аризалар сони тобора кўпайиб бормоқда.

600 дан зиёд оила 5—7 йилдан бери навбат кутмоқда. Районимиз чўл зонаси бўлгани учун ерларимизда асрлар давомида деҳқончилик қилинмаган. Тошлоқ, лалмикор ерлар бўлишига қарамай, 8 сотихдан ер олиш амри-маҳол бўлиб турибди. Бунинг устига ер участкаси олиш учун тайёрланган ҳужжатларни расмийлаштириш учун нотариус конторасн аввалларн 5—7 сўм олган бўлса, эндиликда бу рақам 50 сўмга етди. Нега шундай бўляпти, деб қизиқиб кўрсак, Министрлар Советининг қарори бор, дейишди. Менинг назаримда, бу қарор кўп йиллар давомида деҳқончилик қилиб келинган ерларгагина тааллуқли бўлса керак. Яна билмадик...

Б. ҲАМРОЕВ,
Нурота шаҳридаги С. Раҳимов номли маҳалла.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

Лайлаклар

— Нега доим лайлаклар
Бир оёқда туради! —
Сабабини Гулнора
Нуралидан сўради.

— Билмайсанми шуни ҳам,—
Жавоб қилди Нурали. —
Ерга енгил бўлсин деб,
Бир оёқда туради.

Ғуррак

Ғурракка иш ёқмасмиш,
Ишга қиё боқмасмиш.
Нима бўлса бўлар дер,
Меҳнат қилиб тўкмас тер.
Уига ёқар кўл ва сой,
Саратонда салқин жой.
Қатъийлик йўқ ҳаётда,
Бажармас иш вақтида
Ҳамма жойда бўлсам дер,
Доим ўйнаб кулсам дер.
«Мағрур» туриб керилар,
Манманликка берилар.
Иш қилса ҳам — ғўрадир,
Шундан оти ғурракдир.

Она қуш ва бола қуш

Бола қуш дер онага:
Келинг, бирга учайлик,
Зерикдим кўп ётишдан,
Кенг самони қучайлик.
Она қуш дер: шошмайтур,
Қанотларинг қотмаган.
Машқларинг ҳали ғўр,
Учиш пайтинг етмаган.
Вақти келар, учарсан,
Само сенга қолар тор.
Онанг каби чарчарсан,
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Онасининг сўзларн,
Боласига ёқди хуш.
Кутар парвозли қушни
Уясида бола қуш.
... Ёмон йўлга бошламас
Боласини оналар.
Оналар ўгитига
Амал қилинг, болалар.

Саодат ТОЖИ.

• *Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан*



КОМИССАР

Обид Азизов қасос олиш пайига тушди. Унинг акаси Қизил Армия командири Маҳаматжон немис-фашист босқинчилари билан аёвсиз жангларда Ельня остоналарида мардларча ҳалок бўлганди. Бу ҳол унинг қалбини тирнаб, душманга бўлган ғазабини янада ошириб юборди. Биринчилар қатори В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Коммунистик университетини тугатган О. Азизов 1941 йил кузида фронтга жўнади.

...99-ўзбек отлиқ дивизиясининг 160-отлиқ полки командири Машрабов Обидни самимий кутиб олди:

— Бизда тажрибали комиссарлар етишмаяпти, — деди у. — Сиз вақтида келдингиз. Етмиш олти миллиметрли тўплар батареясида комиссар бўлиб хизмат қиласиз...

Батарея К. Е. Ворошилов номли колхоз территориясида жойлашган эди. Ўша пайтда дивизия асосан колхозлар ҳисобига озиқ-овқат, қурол-яроғ, анжомлар от ва транспорт билан таъминланарди.

Жанговар ўқув кунлари бошланди. Жангчилар от миниш, отни бошқариш, қилич ишлатишни, армия уставини ўрганишди, жисмонан чиниқишди.

1942 йил бошларида қўмондонликнинг буйруғига биноан 99-дивизия фронтга жўнаб кетишга тайёрлана бошлади. Вагонларга чиқишдан олдин катта митинг бўлиб, унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов ва республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Абдужаббор Абдураҳмонов иштирок этишди.

— Бизнинг уйимизга фашист газандалари бостириб кирди, — деди ўз нутқида Усмон Юсупов. — Улар фақат оғаларимиз руслар, белоруслар, мамлакатимиздаги бошқа кўплаб халқларгагина эмас, балки биз ўзбекларга ҳам қирон келтирмоқда. Сизларнинг муқаддас бурчингиз — довюраклик ва мардлик билан, ўз ҳаётингизни ҳам аямай Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишдан, душман мутлақо тор-мор келтирилгунига қадар аёвсиз жанг қилишдан иборат.

Ҳарбий маршнинг тантанали садолари остида жангчилар вагонларга чиқиб жойлашиб олишгач, эшелон йўлга тушди. Полкдошлар Ново-Сергеевка станциясида поездан тушди. Батарея комиссари Обид Азизов 333-ўқчи дивизияга қарашли 116-ўқчи полкда хизматни бошлаб юборди. Дивизия ҳарбий оркестр марши садолари остида Сталинград фронти ихтиёрига борарди.

Сталинград ҳаробага айлантирилган. Бу ерда бирон-та ҳам бутун қолган бино кўзга ташланмасди. Фашист қўзғунлари ҳужум кетидан ҳужум қилишарди. Совет қўшинлари мислсиз қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатиб, Волга дарёси қирғоғидаги ҳар бир қарич ерни ҳимоя қилар, афсонавий шаҳар қўриқчиларини дарёга улоқтириб ташламоқчи бўлган гитлерчиларнинг ҳар куни ўнлаб хуружларини қайтарардилар.

116-ўқчи полк тўққиз кеча-ю тўққиз кундуз бетиним жанг қилди. Обид Азизов ўзининг жанговар, қалбларни тўлқинлантирувчи сўзи, ҳазил-мутойибаси билан жангчиларни илҳомлантириб турди. Стволлари қизиб қип-қизил чўғга айланган тўплардан дам мудофаа чизиғига ёриб кирмоқчи бўлган танкларга қарата, дам ўз жанговар машиналарининг панасида ҳужум қилаётган гитлерчиларнинг пиёда қўшинларига қарата отиларди.

...21-армия қўмондонлигининг буйруғига асосан 116-ўқчи полк қирқ иккинчи йилнинг 18—19 ноябрь кунлари Дон дарёсининг ўрта оқимидан кечиб ўтиб, чап қирғоқда душман қўшинлари билан жанг бошлади. 21-армия жангчилари душман қўшинларининг олдинги сафидаги қисмларини осонгина тормор келтириб, мудофаанинг асосан фашистлардан иборат бўлган учинчи эшелони қаттиқ қаршилигига дуч келдилар. Жанглар ниҳоятда мураккаб шароитда борарди. Қалин ёққан қор, қаттиқ совуқ қўшинларнинг ҳаракатига тўсқинлик қиларди, аммо ана шу қийинчиликларга қарамай армиямиз синовдан шараф билан ўтди. Қақшатқич жанглардан сўнг душман мудофааси кенг фронт бўйлаб ёриб ўтилди. Жангчиларимизнинг зарбасига бардош беролмаган душман орқага чекинди.

Бироз нафас ростлаб олиниб, янги кучлар келиб қўшилгач, дивизия душманни ўқ-дори билан таъминлаб турган асосий базасидан маҳрум этиш мақсадида Сталинград остоналарида ҳужумни авж олдирди. Обид Азизов ўз полки билан жанговар маррани ишғол этиб, жангга кирди.

Бу вақтга келиб фронтдаги вазият ўзгариб қолди. 1943 йилнинг авжи қишида фельдмаршал Паулюснинг армиясини қамал қилиш тугалланди ва немислар бор кучлари билан қуршовда қолган дивизияларига ёриб ўтиш учун жанг қилдилар. Душман совет қисмларининг силжишини тўхтатиш учун бор имкониятини ишга солди. Эрта тонгдан ярим кечагача ҳаво жанглари давом этди, артиллериянинг ҳайқириғи тинмади, душман жон аччиғида танклар билан ҳужум бошлади. Аммо жанговар омад энди бизга кулиб боққанди.

Батарея комиссари Обид Азизов душман мудофаасига ҳал қилувчи ҳужум олдидан артиллерия тайёргарлигида иштирок этгач, ўт очишни ичкарига қаратиб фашистларнинг айрим ўт очиш нуқталарини янчиб, сўнгра танклар ва ўзиюрар артиллерия воситалари кўзатувида қарши ҳужум олиб бораётган немис автоматчиларини мўлжалга олди.

...1943 йилнинг февралида Обид Азизов Сталинград остоналаридаги жангларда оғир яраланди. Уни бехуш ҳолда санитария батальонига жўнатишди. Обид госпиталларда узоқ вақт даволанди, аммо тили сўзга келмас, қулоғи эшитмасди. Шундай ҳолатда жонажон шаҳрига қайтиб келди.

Кишилар билан мулоқот қилолмаган Обид ўз ўтмиши билан яшарди.

...Кунлар, йиллар ўтиб бир куни бирдан у одамларнинг овозини эшита бошлади. Дунёга қайта келгандек бўлди. У эшита ва гапира бошлади. Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Обид Тўрахўжаевичнинг билими ва тажрибасини ҳисобга олиб, уни Чиноз район ижроия комитетига ишга тавсия этишди.

Коммунист Обид Азизов ўзи ишлаган барча раҳбарлик лавозимларидаги фидокорона меҳнати эвазига жанговар мукофотларининг ёнига иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, кўплаб медаллар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари қўшилди. У қаерда меҳнат қилмасин, ҳамма жойда партиявий принципиаллик, қатъият ва фидокорлик кўрсатди.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар составидаги
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: инглиз тили грамматикаси ва тарихи (филология фанлари номзоди);

доцентлар: немис тили грамматикаси ва тарихи, немис тили лексикаси ва стилистикаси, немис тили фонетикаси, кечки ва сиртқи факультетларда француз тили (филология фанлари номзодлари);

катта ўқитувчилар: марксча-ленинча фалсафа (2 — фалсафа фанлари номзодлари, ўзбек ва рус тилларида диалектик ва тарихий материализм курсини ўқитиш); инглиз тили грамматикаси ва тарихи, инглиз тили лексикологияси (филология фанлари номзодлари); испан тили, чет тилларни ўқитиш методикаси (француз тили, филология фанлари номзоди);

ўқитувчилар: граждан мудофааси (3-«Медицина билимлари асослари ва болалар соғлиғини сақлаш» курсини ўқитиш учун — олий медицина (врач) маълумотига эга бўлган, ўзбек ва рус тилларини биладиган хирург, педиатр, терапевт-инфекционист соҳаси бўйича ихтисослашган).

Конкурс муддати — 3 мартгача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104 уй, кадрлар бўлими.

2-«УЗСЕЛЬЭЛЕКТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида буюртмачининг материаллари ҳисобига 0,4-6-10-35 ва 110 киловольт кучланишдаги электр узатиш линиялари ва электр подстанциялари қурилиши бўйича.

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Трестнинг қуйидаги механизациялашган колонналарига мурожаат қилинг:

2-МК — 703017, Самарқанд шаҳри, Титов кўчаси, 187-уй. Телефон 43-201.

6-МК — 732004, Термиз шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 5-уй. Телефон 22-750.

7-МК — 705000, Бухоро шаҳри, Файзиобод кўчаси, 4-уй. Телефон 55-815.

9-МК — 730000, Қарши шаҳри, ГСП, 26-абонемент қутиси. Телефон 45-815.

12-МК — 704202, Каттақўрғон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 168-уй. Телефон — 54-841.

13-МК — 708000, Жиззах шаҳри, «Коммунизм» колхози. Телефон 22-142.

Трест — 703058, Самарқанд шаҳри, Миршаропов кўчаси, 7-уй. Телефон 65-621.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ҳозирги замон ўзбек тили бўлими учун инженер-тилшунос ихтисоси бўйича **катта илмий ходим** (филология фанлари номзоди) вакант лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.

Мурожаат учун манзил: 700170, Тошкент шаҳри, Академик Мўминов кўчаси, 9-уй. Телефон 62-43-67 (илмий котиб).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Биохимия» ихтисоси бўйича физиологик актив бирикмалар биохимияси ва биотехнологияси лабораториясининг илмий ходими (фан номзоди)
вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 4 мартгача.

Ариза ва ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги Низомга мувофиқ қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, ГСП, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй.

Бутуниттифоқ енгил саноат раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш институтининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

Бош бухгалтер
вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 18 мартгача.

Мурожаат учун манзил: 700031, Тошкент шаҳри, Баранов кўчаси, 40-уй.

«Жиззахстепстрой» кўчма қурилиш-монтаж бирлашмасининг «МИРЗАЧУЛСОВХОЗСТРОЙ» ТРЕСТИ Янги Жиззах оҳак заводи қурилиши учун мастерлар, прорablар, катта прорablарни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ишга кирувчилар цемент-оҳак заводи қурилишида иш тажрибасига эга бўлишлари керак.

Завод қурилишига келиб ишлашни хоҳлаган кишиларга бир йил мобайнида шинам уй-жой, ишнинг кўчма характерига қараб ўртача иш ҳақи берилади.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Сирдарё вилояти, Пахтакор шаҳри, Кравцов кўчаси, 7-уй.

СССР 60 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ АНДИЖОН ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

пардозлаш фабрикасининг директори лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Зарар билан ишлаётган корхона ғайрат-шижоатли, ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган, ишлаб чиқаришни йўлга сола оладиган ва иқтисодий билимга эга бўлган, раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил ишлаган қайта қуриш кишиларини кутмоқда.

Бирлашма бир йил мобайнида уй-жой билан таъминлашга кафолат беради.

Талабномалар 1990 йил **1 апрелгача** қуйидаги манзилда қабул қилинади: Андижон шаҳри, Бобур проспекти, 7-уй, конкурс комиссиясига. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 59-617, 58-162, 57-895.

НАВОИЙ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

ташкилотлар, корхоналар, кооперативларга

ШАРТНОМА НАРХЛАРИДА ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТАДИ

«ЗИЛ-157», «ГАЗ-53», «ЗИЛ-130» базасидаги автокран — 6,3 тонна юк кўтара олади;
автокран ускуналари.

Мурожаат учун манзил: Бухоро вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 55-уй.

Телефонлар: 3-52-01, 3-29-54.

Ўзбекистон ССР Молия нозирлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимининг бошлиғи А. Тожибоевга онаси

Рихси МИРЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти жамоаси, нашриёт директорининг ўринбосари А. Ҳолиқовга ўғли

МУРОДЖОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Адлия нозирлиги жамоаси адлия нозири Б. Ғ. Олимжоновга онаси

Мукаррам ОЛИМЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси жамоаси редакциянинг собиқ ходими

Осиё Аҳмедовна ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ҳамда марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

• *Ахборот бўлими почтасидан*

СУЮНЧИ КЎНГИЛДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Яқинда кичик даврадаги суҳбатда ўтирганлардан бири гапириб қолди:

— Аттанг, Умаралининг ўғли ҳарбий хизматдан қайтишда Тошкентдан 240 сўмга такси кира қилиб келибди-я!

— Нимасини айтасиз, болада ҳам унчалик айб йўқ. Уни поезддаёқ турли йўл билан Тошкентда тушишга мажбур қилишибди-да...

Мирзаулуғ мен билан бир мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Бир куни укаларидан бирининг ҳарбий хизматдан қандай қайтиб келганлигини айтиб берган эди.

— Уйда эдим. Тушга яқин машинанинг сигнали, кимнингдир чақирганини эшитиб, кўчага чиқиб қарасам, укам келибди. «Жигули»дан тушиб келяпти. Ҳол-аҳвол сўрашгач, уни олиб келган йигитни рози қилмоқчи бўлиб, 30 сўм пул берсам, йигит:

— Оғайни, укангиз билан 170 сўмга келишганмиз, бунингиз жуда оз, — деб қолди. Машинанинг номерига кўзим тушди. Тошкентники! Шунда укамдан ҳам хафа бўлиб кетдим. Алам қилди. Пулни қайтариб олдимда, укамни машинага итариб киритдим-у, шофёрга қараб:

— Ана, олиб кетаверинг, — дедим. Шофёр қараса, 30 сўмдан ҳам бенасиб бўладиган, ўша пулга рози бўла қолди.

1989 йилнинг кузида ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар ҳам манзилгоҳлардаги жангчиларга муносабат ҳақида ташвишланиб гапириб бердилар.

Жиянim Раҳматжон самолётда Андижонга қўниб, зўрға автобусга чиқиб олибди... Йигитларимиз «енгил даромад» изловчилар кўлига тушмаслик учун ҳарбий кийимларини ечиб, оддий кийим кийиб оладилар ёки турли баҳона, ёлғон-яшиқдан фойдаланадилар... Аммо, «холис хизматга чиққанлар ҳам анойилардан эмас. Улар Тошкентга етмасданоқ, Қозоғистон тупроғида поездга чиқадилар. Йигитлар билан «юракдан» суҳбатлашадилар. Қаерга боришини, кимлари борлигини, ундан қанча ундириш мумкинлигини чамалайдилар. «Саҳийлик» билан меҳмон қиладилар.

Маҳалламиздаги Фозил исмли йигит учун отаси 150 сўм «суюнчи», Эргаш исмли ўғлига эса 200 сўм «суюнчи» берган...

Халқимизнинг тантилигини, саҳийлигини бу қадар оёқ ости қилиш яхшими?

Суюнчи кўнгилдан чиқариб, ўз ихтиёри билан берилади. Бу қандай гап бўлдики, суюнчини мажбурлаб, талаб қилиб ҳаёсизларча олинса! Қадр-қиммат, меҳр-оқибат қаерда қолди?

М. НУРМАТОВ,
Охунбобоев районидаги Лангар қишлоқ Совети.

МЕҲНАТ ҚАДРЛАНСА...


Мен ўттиз йилдан бери чўпонлик қилиб келаман. Четдан қарағанлар чўпоннинг жони роҳатда, деб ўйлашади. Тўғри, хушҳаво яйловларда, дала-даштларда тоза ҳаводан нафас олишга нима етсин. Лекин ҳолим, кечинмаларим ўзимга, хотинимга ва бола-чақаларимга маълум. Йил — ўн икки ой яйлов кезаман. Ёрдамчим Абдураим Яхшибоев чорвани олиб чиққан кунлари ишга яроқли болаларим билан қўтонни тозалайман. Ёзнинг жазирама иссиғида, қишнинг қирчиллама совуғида мол боқишнинг ўзи бўладими! Ойлик эса, йўқ ҳисоби. Чунки моллар вақти-вақти билан касаллик ёки иссиқ-совуқ туфайли ўлиб туради. Ана шу ўлган моллар бўйинга тушади. Шунинг учун ойлик йўқ. Бу молларни атайлаб ўлдирмайман-ку. Ветеринария врачи Олломурод Юсупов боқилаётган қўйларни вақтида даволамайди.

Менинг ўн икки фарзандим бор. Оиламнинг моддий шароити жуда оғир. 3-бўлим ҳамда совхоз раҳбарларига боравериб чарчадим. Биз чўпонлар аҳволидан район раҳбарлари у ёқда турсин, ҳатто совхоз ва бўлим раҳбарлари ҳам хабар олишмайди.


Яна бир муаммо. Бизнинг отар магазиндан олти-етти километр узоқда жойлашган. Айниқса, қиш ойлари магазинга бориб-келиш амри маҳол. Хўжалик ишчилар кооперацияси ходимлари бизга, ун, совун, шакар каби маҳсулотларни етказиб беришни ўзларига эп кўришмайди.

Қисқаси ҳалол меҳнатимизни қадрлайдиган кишилар меҳрига муҳтожмиз.

Т. СИНДОРОВ,
«Фориш» районидаги К. Маркс номли совхоз.



ШИФО МАСКАНИ



Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхози территориясидаги манзилгоҳда Абу Али ибн Сино номли районлараро даволаш маскани бор. Бу ерда ой сайин 100 нафардан ортиқ киши ўз саломатлигини мустаҳкамлаб, дам олади.

Сурхондарё вилоятининг энг яхши шифо масканларидан ҳисобланган мазкур санаторий замонавий табобат асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган бўлиб, йўлланма билан келганлар турли хил даволаниш жараёнларидан ўтадилар. Бунинг учун етарли шарт-шароит мавжуд.

Шифокорлар бу ерда кўпроқ ошқозончак ва буйрак хасталикларини даволайдилар. Шу мақсадда йилнинг дастлабки ойларидан бошлаб «Ессентуки» минерал суви билан даволаш усули йўлга қўйилди. Бундан ташқари беморлар шифобахш ичимликлар билан чунончи, қимиз билан таъминланадиган бўлдилар. Бу эса санаторийнинг шахсий хўжалигида тайёрланади.

Дам олувчилар бўш вақтларини физкультура машғулотлари билан ўтказишлари мумкин. Бунинг учун спорт асбоб-анжомлари етарли. Хоҳлаганлар кинотеатр, кутубхона, дендрарий хизматидан ҳам, бахраманд бўлишлари мумкин.

Санаторийда медицина хизматининг яхши ташкил этилганлиги, ходимларининг хушмуомалалиги ва бу ернинг енгил субтропик иқлими дам олувчиларни мамнун этмоқда. Суратларда: 1. Санаторий-даволаниш маскanidаги физкультура зали. 2. Врач стоматолог Менгали Даминов беморни даволамоқда.

ЎзТАГ суратлари.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

УРИНИШЛАР ЗОЕ КЕТДИ

● ГФРда ўтказилган халқаро мусобақада лангар билан сакраш усталарининг чиқишларн мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, жаҳон рекордчиси Сергей Бубканинг уринишларн диққатга сазовор бўлди. У олти метру тўрт сантиметрли маррани забт этиб, рекорд учун уринди. Зеро, ҳаракатлари зое кетди. Сергей беш метру 80 сантиметрлн натижа билан ғалаба нашидасидан бахраманд бўлди. Қолган спортчилар бундан ҳам камроқ натижа кўрсатишганди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

КУЧЛИЛАР САФИДА

● Покистоннинг Лахор шаҳрида бир неча кун давом этган жаҳон чемпионати якунланди. Бу галги мусобақада СССР терма командаси хоккейчиларининг омадлари юришмади. Чемпионатнинг саралаш босқичларида сустқашлиниқа йўл қўйган спортчиларимиз бешинчи ўрин учун курашда ҳам имкониятни бой бериб, кучли олтиликдан жой олишга мажбур бўлишди. Голландия ва Покистон терма командалари ўртасида ўтказилган ҳал қилувчи баҳсда (3:1) майдон эгалари ютқазиб, иккинчи ўринни олишди.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетида

22 февраль куни Барнаулда СССР Давлат хавфсизлиги комитети ҳарбий контрразведка органлари Давлат хавфсизлиги комитетининг Олтой ўлка бошқармаси билан ўзаро алоқада ҳаракат қилиб, кўп миқдордаги ўқ отиш қуроли ва ўқ-дорини ўлжа олиш мақсадида ҳарбий омборга бир гуруҳ бўлиб қуролли ҳужум қилинишининг олдини олди.

Маҳаллий 6 нафар граждан омборга ҳужум қилиш учун тўпланган жойида қўлга олинди, уларнинг ёнидан қирқма ов милтиқлари патроилари билан, турли-туман асбоб-ускуналар чиқди, бу нарсалар уларнинг жиноят содир қилиш тараддудида бўлганликларини фош этади.

Мавжуд маълумотларга қараганда, гуруҳ қатнашчилари босиб олинган қурол ва ўқ-дорини воситачига 200 минг сўмга сотмоқчи бўлганлар, воситачи эса уларни кейинчалик мамлакатнинг жанубий республикаларидан бирига юбормоқчи бўлган. Жиноий ҳаракатни 25 февралгача тугаллаш режалаштириб қўйилганлиги аниқланди. Жиноий иш қўзғатилди, тергов ўтказилмоқда. Мавжуд материаллар қўлга олинган кишиларнинг бошқа оғир жиноятларни ҳам содир этишда гумонсираш учун асос бўлади.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг матбуот бюроси.

ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН ВА БАРЧА ЯХШИ КИШИЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Самарқандда янги жамоатчилик маркази — Корейс маданияти вилоят маркази ташкил этилди. Унинг таъсис анжуманида марказнинг режалари ва низоми қабул қилинди, кенгаши сайланди.

Марказ учун махсус бино қурилади.

Марказни ташкил этишда Совет маданият фонди вилоят бўлими бевосита ёрдам берди. [ЎзТАГ].

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ УТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТУЗАТИШИ

«Совет Ўзбекистони»нинг шу йил 23 февраль сонида эълон қилинган «1990 йил 18 февраль куни сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг рўйхати»да сайланган депутат Эсонов Йўлдошбойнинг хизмат лавозими «Ленинград район «Сельхозхимия» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси» деб ўқилсин.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02119. № 46. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12